

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

27-сон  
(995)  
2021 йил  
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

398. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ-699-сон Қонуни
399. «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 6 июлдаги ЎРҚ-700-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

400. «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон Фармони
401. «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-

тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони

402. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПФ-6258-сон Фармони
403. «Республика олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинган иктидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5172-сон қарори
404. «Коррупцияга қарши курашиб фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон қарори
405. «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлишни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

406. «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарори
407. «Халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда автотранспорт воситаларни кузатиб бориш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 428-сон қарори
408. «Божхона маъмуриятилиги ва тартиб-таомилларини янада соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 429-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

409. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 26 июндаги 213-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (Ўзбекистон Рес-

публикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-5)

410. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 29 июндаги 357-В-1, 32-сон «Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-1)
411. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 29 июндаги 344-В-5 ва 31-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-5)
412. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 29 июндаги 343-В-7, 33-сон «Тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-7)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хукукий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

### **398 Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғриси- сида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 4 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда  
маъқулланган

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади виждон эркинлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга со- лишдан иборат.

##### **2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғриси- даги қонунчилик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун- чилик ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**диний таълим муассасаси** — муайян конфессияга мансуб бўлган, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчиларини ва улар учун зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи томонидан ташкил этилган муассаса;

**диний ташкилот** — фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм- русумлар ва маросимларни бажариш мақсадида ташкил этилган, даромад

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 июлда эълон қилинган.

(фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган кўнгилли бирлашмаси (маҳаллий диний ташкилот, диний таълим муассасаси ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи);

**диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи** — бир конфессиянинг маҳаллий диний ташкилотлари, шунингдек диний таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг камидаги саккизта маъмурий-худудий бирлигига (Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда, Тошкент шаҳрида) рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан ташкил этилган диний ташкилот;

**маҳаллий диний ташкилот** — Ўзбекистон Республикасининг тегишли тумани (шаҳари) худудида доимий яшаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташаббуси билан ташкил этилган, фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ёки шаҳар худудида амалга оширувчи диний ташкилот (масжидлар, черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва бошқалар);

**миссионерлик** — аниқ мақсадга қаратилган мафкуравий таъсир ўтказиш орқали шахсни (бир гурӯҳ шахсларни) ўз динига киритиш мақсадида унга (уларга) диний қарашларни мажбуран сингдиришга ва диний таълимни тарқатишига доир фаолият;

**конунга хилоф диний фаолият** — диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиш, диний ташкилот томонидан фаолиятни ўзи турган жойдан, шу жумладан ибодат қилинадиган бинолардан ва диний ташкилотга тегишли худудлардан ташқарида амалга ошириш, шунингдек диний таълим муассасаларидан ташқарида хусусий тартибда диний таълим фаолияти билан шуфулланиш;

**диний профессионал таълим** — диний таълим муассасаларида ўқувчиларга маълум бир конфессияга оид диний билимлар беришга қаратилган жараён;

**прозелитизм** — миссионерлик фаолиятининг бир конфессияга эътиқод қилувчиларни бошқа конфессияларга ўтказишга қаратилган шакли.

## 2-боб. Виждон эркинлигини таъминлаш асослари

### 4-модда. Виждон эркинлигини таъминлаш

Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилайтганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаганларни уларнинг хоҳиш-иродасига, ота-онасининг ёки қонуний вакилларининг хоҳиш-иродасига зид тарзда диний ташкилотларга жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ўз динига эътиқод қилиш ёки ишониш эркинлигига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган чекловлар татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва худудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий хукуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, иркӣ, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни бекарорлаштирувчи тухматдан иборат ўйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима ўйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа харакатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

### **5-модда. Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари**

Виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари қўйида-гилардан иборат:

фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаган ҳолда, уларнинг виждон эркинлигига бўлган ўз хукуқларини амалга ошириши учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлаш;

виждон эркинлигини таъминлашда дунёвий давлат қурилишини сақлаб қолиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка фуқаролар ҳамда диний ташкилотлар томонидан риоя этилишини таъминлаш;

жамоат тартибига, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғи ва ахлоқига, хукуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний ғоялар ҳамда қарашларнинг сингдирилиши ва тарқатилишига қарши курашиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита виждон эркинлигини, шунингдек виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда изчил ҳамда бир хил тарзда қўлланилишини таъминлашга доир чораларнинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органидир (бундан бўён матнда ваколатли орган деб юритилади).

### **6-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг хуқуқлилиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, динга муносабатидан қатъи назар, конун олдида тенгдир.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Рес-

публикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлиги хукуқидан фойдаланади ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Расмий хужжатларда фуқароларнинг динга нисбатан муносабатини кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг хукуқларини уларнинг динга муносабатига қараб ҳар қандай тарзда чеклаш ва тўғридан-тўғри ёки билвосита устунликлар белгилаш, уларнинг диний ёки атеистик эътиқоди билан боғлиқ ҳолда фуқароларда адоват ва нафрат уйғотиш ёхуд уларнинг хис-туйғуларини хақоратлаш, худди шунингдек муқаддас диний эътиқод объектларини таҳқирлаш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Конунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан хеч ким ўз диний эътиқодларини сабаб қилиб бўйин товлаши мумкин эмас. Диний эътиқодларини сабаб қилиб, бир мажбуриятни бажаришни бошқасига алмаштиришга факат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирор-бир устунликлар ёки чекловлар белгилашга йўл қўйилмайди.

### **7-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги**

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар ва давлат органларининг фаолияти ўзаро аралашмаслик асосида амалга оширилади.

Давлат турли динларга эътиқод қиласиган ва уларга эътиқод қиласиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-карши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфэссиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-харакатларга йўл қўймайди.

Давлат конфэссияларнинг тинч-тотув яшашига кафил бўлади. Миссионерлик ва прозелитизмни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига давлатнинг бирор-бир вазифаларини бажаришни юкламайди, уларнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштирумайди ва динга эътиқод қилувчиларнинг дин билан боғлиқ хис-туйғуларини хақоратлайдиган фаолиятга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида диний руҳдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмасининг, республикадан ташқарида тузиладиган диний партиялар ваколатхоналари ва филиалларининг ташкил этилишига ҳамда фаолиятига, сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида диний ташкилотларнинг иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа ёрдам кўрсатишига йўл қўйилмайди.

### **8-модда. Таълим тизими ва дин**

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилгандир.

Таълим тизимининг ўкув дастурларига диний фанлар киритилишига (бундан диний таълим муассасалари мустасно) йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш хукуқи, уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар, таъминланади.

Хар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш хукуқига эга.

Диний таълим муассасаларида ўқишга фуқаролар қонунчиликка мувоғик умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим ёки профессионал таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний профессионал таълим олган шахслар диний таълим муассасаларида диний фанларни ўқитиши фаолияти билан шуғулланиш хукуқига эгадир.

### **9-модда. Диний расм-руsumлар ва маросимлар**

Диний расм-руsumлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган жойда, шу жумладан ибодат қилинадиган биноларда ҳамда уларга тегишли худудларда, дафн этиш жойларида, зиёратгоҳларда, диний зарурият бўлган тақдирда фуқароларнинг хоҳишига кўра уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, интернат муассасаларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида, ички ишлар органларининг реабилитация марказларида диний расм-руsumлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда, шу жойлардаги фуқароларнинг илтимосларига кўра ўтказилиши мумкин.

Ибодат қилинадиган бинолардан ташқаридаги оммавий диний расм-руsumлар ва маросимлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Диний ташкилотлар динга эътиқод қилувчилардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

### **10-модда. Диний мазмундаги материаллар, уларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш**

Диний мазмундаги материаллар диний таълимотнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълимот мағкурасини ва шарҳларни, турли диний таълимотларнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтай назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисолалар, журнallар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинадиган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфесиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган ғоялар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хulosаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**3-боб. Диний ташкилот ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари**

**11-модда. Диний ташкилотни ташкил этиш**

Диний ташкилот қонунчиликка мувофиқ унинг ташаббускорлари (таъсисчилари) қарорига кўра ташкил этилади.

Диний ташкилотнинг ташаббускорлари (таъсисчилари) таъсис ўйнилишини (конференциясини) чақиради, унда устав қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади.

Диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Диний ташкилот юридик шахсdir.

Диний ташкилот диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органи (бундан буён матнда марказий бошқарув органи деб юритилади), диний таълим муассасаси ёки маҳаллий диний ташкилот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Диний таълим муассасаси рўйхатдан ўтказилганидан ва ваколатли органнинг тегишли лицензиясини олганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олади.

Диний ташкилот белгиланган тартибда тақдим этиладиган ер участкаларида, ваколатли орган билан келишувга кўра ташкил этилади.

Тегишли диний профессионал таълимга эга бўлган шахс диний ташкилотнинг раҳбари бўлиши мумкин, бундан диний таълимотида диний профессионал таълим тизими назарда тутилмаган конфесиялар мустасно.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш унинг раҳбар органининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Диний ташкилотни қайта ташкил этиш қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**12-модда. Диний ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Диний ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шартнома асосида бериладиган бинолардан ва мол-мулкдан, шунингдек моддий-маданий мерос объектларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўз эхтиёжлари учун фойдаланиш;

хайрия фаолиятини амалга ошириш;  
диний ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;  
уставда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;  
диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва олиб чиқиш;  
зиёратларни ташкил этиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида халқаро алоқалар ўрнатиш;  
янги дафн этиш жойларини ташкил этиш ва мавжуд дафн этиш жойларини таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритиш.

**Диний ташкилот:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун, бошқа қонунчилик хужжатлари талабларига ва ўз устави қоидаларига риоя этиши;

ибодат қилиш, диний расм-руsumлар ёки маросимлар учун мўлжалланган жойларда қулай шарт-шароитлар яратиши;

диний ташкилот эгалигига (фойдаланишида) бўлган моддий маданий мерос обьектларининг бут сақланишини таъминлаши, бунда маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган талабларни мажбурий тартибда бажариши, архитектура ёдгорликларини реставрация қилиш бўйича лойиха хужжатлари асосида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириши;

аддия органларини тадбирлар (конференциялар, семинарлар ва бошқалар, бундан диний расм-руsumлар ва маросимлар мустасно) эркин ўтказилишида кўмаклашиш учун уларнинг ўтказилиши тўғрисида хабардор этиши;

аддия органларини раҳбар органнинг таркиби ўзгарганлиги тўғрисида ушбу карор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичida хабардор қилиши;

аддия органларига ўзининг ўтган йилги фаолияти тўғрисида белгилangan шаклда ҳар йили ахборот тақдим этиши шарт.

Диний ташкилот қонунда назарда тутилган бошқа хукукларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

### **13-модда. Диний ташкилотлар фаолиятининг қўшимча кафолатлари**

Диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ мустақил равишда амалга оширади.

Диний ташкилотлар ўз мулкида биноларга, иншоотларга, ибодат предметларига, ишлаб чиқариш обьектларига, ижтимоий обьектларга ва хайрия учун мўлжалланган обьектларга, ўз фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларига ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулки қонун билан қўриқланади.

Диний ташкилотлар давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсув тартибida юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш хукуқига эга.

Диний ташкилотлар давлат органларининг вайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг диний ташкилотлар хукуқлари ва эркинликларини бузувчи харакатлари (харакатсизлиги) устидан судга мурожаат килганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

#### **4-боб. Диний ташкилотни рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби**

##### **14-модда. Диний ташкилотнинг таъсис ҳужжати**

Диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари (таъсисчилари) томонидан тасдиқланган устав диний ташкилотнинг таъсис ҳужжатидир.

Диний ташкилотнинг уставида қўйидагилар назарда тутилади:

диний ташкилотнинг номи, тури, таълимот асослари тўғрисидаги ахборот ва унга мос келадиган диний фаолият хақидаги маълумотлар, унинг ташкилий-хукуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), ўз фаолиятини қайси худуд доирасида амалга оширса, ўша худуд;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

диний ташкилотнинг тузилиши ва раҳбар органлари;

диний ташкилотнинг раҳбар органларининг ваколат доираси ва ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари муддатлари, доимий асосда фаолият кўрсатадиган раҳбар органнинг жойлашган ери (почта манзили);

пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, диний ташкилотнинг ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқаришга доир хукуқлари;

диний ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, шунингдек диний ташкилот тугатилган тақдирда унинг мол-мулкини тасарруф этиш тартиби;

уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Уставда диний ташкилотнинг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Диний ташкилот уставининг талаблари диний ташкилотнинг ўзи, уни тузиш ташаббускорлари (таъсисчилари) учун мажбурийдир.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари ушбу органлар билан келишилган бўлиши керак.

##### **15-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) чоғида давлат хизматлари кўрсатиш**

Давлат хизматлари, шу жумладан диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишида (қайта рўйхатдан ўтказишида) хизматлар адлия органларининг электрон тизими орқали кўрсатилади.

Электрон тизимга кириш электрон ракамли имзо ёки шахсни идентификациялаш имконини берувчи бошқа усувлар орқали амалга оширилади.

Мурожаат қилувчи электрон тизимга кирганидан кейин ўзининг шахсий

кабинетидаги тегишли мурожаат турини танлайди, маълумотларни босқич-ма-босқич киритади ва хужжатларни электрон тизим орқали юборади.

Электрон тизимда шакллантирилган ёки адлия органлари томонидан юборилган электрон хужжатларда матрицали штрих код (QR-код) ва идентификацияланган рақамлар мавжуд бўлади. Бунда электрон хужжатда кўрсатилган идентификацияланган рақами электрон тизимнинг маҳсус бўлимига киритиш орқали электрон хужжат тўғрисидаги ахборотни олиш учун имконият яратилади.

Электрон тизимнинг ишлаш тартиби, маълумотларнинг турлари ва шакллари, шунингдек электрон хужжатларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### **16-модда. Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш**

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш адлия органлари (бундан бўён матнда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Марказий бошқарув органларини ва диний таълим муассасаларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, маҳаллий диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш эса тегишинча Қоракалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини (раҳбарларини), шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилишни амалга оширади.

Диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказганлик, диний ташкилотларнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг ўз қарамоғида бўлган оила аъзоларини аккредитация қилганлик учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган микдорда давлат божи ундирилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказган орган ушбу ташкилот фаолиятининг устав мақсадларига ва қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

### **17-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган хужжатлар**

Диний ташкилотни ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган кундан эътиборан олти ой ичida уни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Марказий бошқарув органини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга куйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

таъсис йиғилишининг (конференциясининг) марказий бошқарув органини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва бошқарув органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

марказий бошқарув органининг давлат тилидаги уставининг;

жойлашган еридан диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкка эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳукуқини тасдиқловчи хужжатнинг;

марказий бошқарув органининг таъсисчилари ва унинг раҳбар орган аъзолари тўғрисидаги хужжатларнинг;

марказий бошқарув органининг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлигини тасдиқловчи хужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хulosасининг.

Диний таълим муассасасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қўйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

марказий бошқарув органининг диний таълим муассасасини ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш (тайинлаш) бўйича маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

диний таълим муассасасининг давлат тилидаги уставининг;

диний таълим муассасасининг раҳбар органи аъзолари тўғрисидаги хужжатларнинг;

ваколатли орган хulosасининг.

Махаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қўйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузәётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзоларини ўз ичига олган ҳужжатнинг;

таъсис йиғилишининг маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш, унинг уставини тасдиқлаш ва раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қарорининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг давлат тилидаги уставининг;

маҳаллий диний ташкилотни ташкил этиш ташаббускорлари тўғрисидаги ва унинг раҳбар органи аъзолари ҳақидаги хужжатларнинг;

маҳаллий диний ташкилотнинг раҳбарида диний профессионал маълумот мавжудлиги тўғрисидаги хужжатнинг, бундан таълимоти диний профессионал таълим тизимини назарда тутмайдиган конфессиялар мустасно;

ваколатли орган хulosасининг;

маҳаллий диний ташкилотнинг почта манзили сифатида фойдаланилиши мўлжалланаётган кўчмас мулкнинг шаҳарсозлик нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosалар илова қилинган ҳолда маҳаллий ижроия ҳокимияти органи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) хulosасининг.

### **18-модда. Қайта ташкил этиш ўюли билан ташкил этилган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар**

Кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгарти-

риш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга ушбу Қонунинг 17-моддасида назарда тутилган хужжатларга қўшимча равишда қўйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш хақидаги хабар эълон қилинганлиги тасдиқномасининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан ушбу ташкилотнинг барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича хукуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномасининг (қўшиб юбориш ва ўзгартириш чоғида) ёки тақсимлаш балансининг (бўлиш ва ажратиб чиқариш чоғида);

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги хақидаги далолатноманинг.

### **19-модда. Диний ташкилот уставига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилганда уни қайта рўйхатдан ўтказиш**

Диний ташкилотнинг уставига ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритилган тақдирда, ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаблар диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказишга нисбатан татбиқ этилади.

Диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш хақидаги электрон мурожаат рўйхатдан ўтказувчи органга диний ташкилот уставига ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида диний ташкилотнинг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичida юборилиди.

Диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги электрон мурожаатга қўйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

уставга киритиладиган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар матнининг ёки устав янги таҳрирининг;

диний ташкилот раҳбар органининг уставга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш хақидаги қарорининг;

диний ташкилотнинг номи ёки рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарган тақдирда — диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг.

Диний ташкилот қайта ташкил этилганлиги (ажратиб чиқарилганлиги ёки қўшиб олинганлиги) муносабати билан қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ушбу моддада назарда тутилган хужжатларга қўшимча равишда қўйидаги хужжатларнинг электрон кўчирма нусхалари илова қилинади:

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотга маълум бўлган барча кре-

диторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабар эълон қилинганлиги тасдиқномасининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан ушбу ташкилотнинг барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича хуқукий ворислик ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномасининг ёки тақсимлаш балансининг;

қайта ташкил этилаётган диний ташкилотнинг муҳри ва штампи йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгарган тақдирда, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи рўйхатдан ўтказувчи орган илгари диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни амалга оширган рўйхатдан ўтказувчи органдан ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилиши билан боғлиқ хужжатларни электрон тизим орқали сўраб олади.

Почта манзили, банк реквизитлари ёки раҳбар органнинг таркиби ўзгарган тақдирда, диний ташкилот ушбу масалалар бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичидан электрон тизим орқали тегишли қарорларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказувчи органни бу хакда хабардор қиласи.

## **20-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш**

Электрон мурожаатни юборувчи электрон сўровни шакллантиришни якунлаб, электрон тизим томонидан автоматик тарзда белгиланадиган давлат божи тўловини амалга оширади.

Давлат божи тўланганидан кейин диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаат кўриб чиқиш босқичига ўтади.

Агар мурожаатда тўғрилаш мумкин бўлган хатолар мавжуд бўлса ёки ушбу Қонунда талаб қилинадиган ёхуд электрон мурожаатни юборувчи ҳавола қилаётган хужжатлар мавжуд бўлмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган унга беш иш куни ичидан хатоларни тузатиш ва етишмаётган хужжатларни юбориш учун имкон беради. Рўйхатдан ўтказувчи орган электрон мурожаатни юборувчининг илтимосномасига кўра бу муддатни беш иш кунидан кам бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун юборилган хужжатларнинг ишончлилигини ва уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширишга ҳақли.

## **21-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш муддатлари**

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хужжатлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўйидаги муддатлар ичидан кўриб чиқилади:

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун — мурожаат олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда;

диний ташкилотни қайта рўйхатдан ўтказиш учун — мурожаат олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда.

### **22-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш якунлари**

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш якунларига кўра қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш хақидаги;

диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиши рад этиш тўғрисидаги.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичиди:

диний ташкилот ҳақидаги маълумотларни диний ташкилотлар реестрига киритади;

диний ташкилотни солиқ органларида ва статистика органларида ҳисобга қўйишни амалга оширади;

электрон тизимда диний ташкилотнинг шахсий кабинетини яратади;

диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани шакллантиради;

диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномани ва диний ташкилот уставини диний ташкилотнинг электрон тизимдаги шахсий кабинетига юборади.

Диний ташкилотнинг қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги электрон гувоҳномада диний ташкилот ҳақидаги аввалги маълумотлар, шу жумладан унинг номи, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана, шунингдек қайта рўйхатдан ўтказилган сана кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзгариши муносабати билан диний ташкилот қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда, янгитдан рўйхатдан ўтказилган орган илгариги рўйхатдан ўтказувчи органни тегишли рўйхатдан ўтказишига оид маълумотларни кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали бу ҳақда хабардор қиласди.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичиди электрон мурожаатни юборувчининг электрон тизимдаги шахсий кабинетига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги, башарти рад этиш асослари бартараф этилса, хужжатларни такроран тақдим этиш учун монелик қилмайди.

### **23-модда. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиши рад этиш учун асослар**

Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш қуидаги холларда рад этилиши мумкин, агар:

диний ташкилотнинг ташкил этилиши конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқиш, фуқароларнинг конституциявий ҳукук ва эркинликларини камситиш, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиғига ва халқнинг маънавиятига тажовуз қилиш мақсадини кўзлаган бўлса;

диний ташкилотни тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки тақдим этилган хужжатларда қонунчиликка номувофиқликлар мавжуд бўлса;

тузилаётган ташкилот диний ташкилот сифатида эътироф этилмаган бўлса;

тақдим этилган таъсис хужжатларида атайин нотўғри ахборот мавжудлиги аниқланган бўлса.

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиши рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **24-модда. Диний ташкилотлар реестри**

Рўйхатдан ўтказилган диний ташкилот адлия органлари томонидан электрон тизимда юритиладиган ва ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган диний ташкилотлар реестрига (бундан буён матнда реестр деб юритилади) киритилади.

Реестрда қўйидагилар кўрсатилади:

диний ташкилотнинг номи ва унинг қайси конфессияга мансублиги;

диний ташкилотнинг жойлашган ери (почта манзили);

диний ташкилот фаолият кўрсатадиган ҳудуд;

ташаббускорлар (таъсисчилар) иштирокчилар тўғрисидаги ахборот (фамилияси, исми, отасининг исми), алоқа боғлаш учун маълумотлар;

раҳбар органнинг номи ва почта манзили, алоқа боғлаш учун маълумотлар;

диний ташкилот рўйхатдан ўтказилган сана ва бошқа ахборот.

## **5-боб. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш**

### **25-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш**

Диний ташкилотнинг фаолияти, у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларини бузган тақдирда, суд томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

Диний ташкилот томонидан қонунчилик хужжатлари талаблари бузилган, шунингдек ташкилотнинг ўз устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда, прокуратура органлари ёки рўйхатдан ўтказувчи орган мазкур қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани ушбу диний ташкилотнинг раҳбар органларига киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, диний ташкилот фаолияти про-

куратура органларининг ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг тақдимномаси асосида суд қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилади.

Фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш тартиби қонунда белгиланади.

### **26-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиб туриш оқибатлари**

Диний ташкилотнинг фаолияти суднинг қарорида белгиланган муддатга тўхтатиб турилган тақдирда, унинг хайрия фондлари муассиси сифатидаги ҳуқуқлари ҳам тўхтатиб турилади, унга тадбирлар ташкил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари бўйича харажатлар, ўз харакатлари (харакатсизлиги) туфайли етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир харажатлар мустасно.

Агар диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб туришнинг суд томонидан белгиланган муддати давомида унинг фаолияти тўхтатилиши учун асос бўлиб хизмат қилган қоидабузарликлар бартараф этилса, мазкур муддат тугаганидан кейин диний ташкилот ўз фаолиятини қайтадан бошлиши мумкин.

Диний ташкилот кўрсатилган қоидабузарликни бартараф этмаган тақдирда, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган мазкур диний ташкилотни тугатиш ҳақида судга тақдимнома киритиши мумкин.

### **27-модда. Диний ташкилотни тугатиш тартиби**

Диний ташкилотни тугатиш қонунчиликка ва диний ташкилотнинг уставига асосан амалга оширилади.

Диний ташкилотни тугатиш диний ташкилотнинг ваколатли раҳбар органи қарорига биноан ихтиёрий равишда ёки ушбу Қонун 26-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ суд тартибида амалга оширилади.

Диний ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган диний ташкилотнинг раҳбар органи ёки суд тугатувчини — тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайди, диний ташкилотни тугатиш муддатини белгилайди.

Тугатиш комиссияси таркибига, қоида тариқасида, тегишли юридик, иқтисодий маълумотга эга ва (ёки) бухгалтерия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган шахслар киритилади.

Диний ташкилотнинг раҳбар органи томонидан диний ташкилотни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тугатувчи ҳақидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органга диний ташкилотни тугатиш тўғрисида раҳбар орган қабул қилган қарорнинг электрон кўчирма нусхаси илова қилинган ҳолда уч иш қуни ичидаги электрон тизим орқали тақдим этилади.

Диний ташкилот суд томонидан тугатилган тақдирда, тугатувчи суднинг қарорини электрон тизим орқали олганидан кейин қарорнинг электрон кўчирма нусхасини рўйхатдан ўтказувчи органга уч иш қуни ичидаги тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчи тўғрисидаги маълумотларни ва диний ташкилотни тугатиш ҳақидаги раҳбар органнинг қарорини олганидан кейин икки иш куни ичидаги реестрга диний ташкилотнинг тугатиш жараённида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу ҳақда диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солик органлари ни ва статистика органларини, кўчмас мулкка ва автотранспортга бўлган хукуқларни рўйхатдан ўтказувчи органларни, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишни таъминлаш бўйича органларни электрон тизим орқали хабардор қиласи.

### **28-модда. Реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш**

Реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритиш учун тугатувчи бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга электрон тизим орқали электрон мурожаат юборади.

Электрон мурожаатга қўйидаги ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари иловга қилинади:

диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида даврий босма нашрда берилган эълоннинг;

белгиланган тартибда тасдиқланган тугатиш балансининг;

диний ташкилотнинг барча ҳисобвараклари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банклар маълумотномаларининг;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулк тасарруф этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларнинг;

мухрлар ва штамплар йўқ қилинганлиги ҳақидаги далолатноманинг;

лицензиялар ва рухсатномаларнинг (мавжуд бўлган тақдирда);

солик органларининг соликлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хуносасининг;

суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро бўйича органнинг диний ташкилот қарздор сифатида иштирок этаётган, ижро этилмаган ижро ҳужжати мавжуд эмаслиги ҳақидаги хабарномаси;

диний ташкилот ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг.

Бунда ҳужжатларнинг асл нусхалари рўйхатдан ўтказувчи органга икки иш куни ичидаги тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчининг электрон мурожаати олинганидан кейин реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида беш иш куни ичидаги ёзув киритади.

Агар ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмаган ёки улар лозим тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларда атайин нотўғри ахборот мавжудлиги аниқланган бўлса, реестрга ёзув киритилиши рад этилиши мумкин.

Реестрга ёзув киритиш рад этилган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган тугатувчига рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда электрон тизим орқали билдиришнома юборади.

Реестрга ёзув киритиш ҳақидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг хуносаси тарзида қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида реестрга ёзув киритилганидан кейин икки иш куни ичидা:

диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида тугатувчини, солиқ органларини ва статистика органларини электрон тизим орқали хабардор қиласди;

диний ташкилотга берилган лицензиялар ва рухсатномаларни (мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топширади.

Диний ташкилот реестрга диний ташкилот тугатилганлиги тўғрисида ги ёзув киритилган пайтдан эътиборан тугатилган деб хисобланади.

### **29-модда. Ўз фаолиятини тугатган диний ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф этиш**

Диний ташкилотга унга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк унинг фаолияти тугатилганидан кейин аввалги эгасига қайтарилади.

Диний ташкилотнинг фаолияти тугатилганда унинг тасарруфидаги мол-мулкка эгалик қилиш унинг уставига ва қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Кредиторларнинг даъволари бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган, ибодат қилиш учун мўлжалланган мол-мулкнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Хукуқий ворислар мавжуд бўлмаганда мол-мулк давлат мулкига ўтади.

### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

#### **30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Виждон эркинлигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **31-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбордor шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **32-модда. Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Кўйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**»ги 289-XII-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 186-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга киритиш**

**ҳақида** ги 290–ХII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 187-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида** ги 934–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 334-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган **«Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида** ги 618–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 99-модда);

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган **«Янги таҳрирдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»** ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида** ги 619–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 100-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»** ги ЎРҚ–197-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **2-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»** ги ЎРҚ–476-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **2-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»** ги ЎРҚ–683-сонли Қонунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси**.

### **33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини хамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **34-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсинг;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-  
хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини  
таъминласин.

### **35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 июль,  
ЎРК-699-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## **399 Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавф- сизлик хизмати тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 7 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

### **1-боб. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти дав-  
лат хавфсизлик хизматининг фаолиятини тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавф- сизлик хизматининг асосий вазифалари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг  
асосий вазифалари кўриқланадиган шахсларнинг хаёти, соғлиғи, шаъни ва  
кадр-қимматини химоя қилишдан, кўриқланадиган объектлар хавфсизлиги-  
ни таъминлашдан иборат.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 июлда эълон  
қилинган.

**3-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунчилик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатdir.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

**президент махсус алоқа тармоғи** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳимояланган тарзда алоқада бўлишини таъминлаш учун мўлжалланган, махсус мақсадда фойдаланиладиган алоҳида тармоқ;

**кўриқлаш тадбири** — кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати томонидан мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлари кучларини ва воситаларини жалб этган ҳолда таъминлашга қаратилган, мувофиқлаширилган харакатлар мажмуи;

**кўриқланадиган шахслар турган объектлар** — кўриқланадиган шахслар доимий, вақтинча турадиган ва мунтазам равишда ташриф буюрадиган жойлар;

**кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлиги** — кўриқланадиган шахсларнинг ўз ҳаётига, соғлиғига ва уларнинг мансаб ваколатларини бажариши, сиёсий (ижтимоий) фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солувчи тажовузлардан, табиий, техноген ҳамда бошқа тусдаги жараёнлардан ва ҳодисалардан ҳимояланганлиги ҳолати;

**кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш** — кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдидларни прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам беришга қаратилган хукуқий, ташкилий, қўриқлашга, режимга, тезкор-қидиувга оид, техник, ахборотга оид чоралар ҳамда бошқа чоралар мажмуини қабул қилиш;

**кўриқланадиган шахсларнинг харакатланиш йўналишлари** — кўриқланадиган шахсларнинг хавфсиз ва монеликсиз ўтиши (харакатланиши) учун фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг, темир йўлларнинг, самовий, сув худудининг участкалари, шунингдек пиёда йўналишлари.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида қўйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият олиб боради:

кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кўриқланадиган объектларни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мазкур соҳадаги хукуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

кўриқланадиган шахсларга тажовузлар қилинишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича контрразведка фаолияти;

тезкор-кидирув фаолияти, ўз юритувига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотларида президент маҳсус алоқа тармоининг хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш;

кўриқланадиган шахсларнинг манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг жанговар ва сафарбарлик шайлиги ҳолатини такомиллаштириш ҳамда саклаб туриш, фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва ҳарбий ҳолат жорий қилинганда куч ва воситаларни харакатларга тайёрлаш.

## **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принциплари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни хурмат қилиш, ягоналик, мустақиллик, конспирация, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш устуворлигидан иборатdir.

## **7-модда. Қонунийлик принципи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай тарзда четга чиқилиши, уларнинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликни бузишdir ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

## **8-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни хурмат қилиш принципи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни хурмат қилиш асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг

ҳарбий хизматчилари фуқаронинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган, унинг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларни, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ошкор килиш хукуқига эга эмас.

### **9-модда. Ягоналик принципи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси бошчилик қиласидиган ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади.

### **10-модда. Мустақиллик принципи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил тарзда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ва бошқа ташкилотларининг, шунингдек ушбу органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади.

### **11-модда. Конспирация принципи**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини конспирация принципи асосида, яъни ўз фаолиятининг тезкорхизмат ахборотини олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишнинг алоҳида тартибини, шунингдек тезкор-хизмат хужжатлари билан ишлаш қоидаларини белгилаган ҳолда амалга оширади.

### **12-модда. Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш устуворлиги принципи**

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятидаги устуворликлардир.

### **13-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласиди ҳамда ушбу органлар ва ташкилотларнинг қўриқланадиган шахслар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради.

Кўриқланадиган шахсларнинг, қўриқланадиган шахслар турган обьект-

ларнинг ҳамда харакатланиш йўналишларининг хавфсизлигини таъминлаш учун жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ва бошқа ташкилотларининг куч ва воситалари қўриқлаш тадбирлари ўтказилаётган даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тезкор бошқарувида бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига унинг зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

#### **14-модда. Фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қўриқланадиган шахсларнинг ҳамда обьектларнинг хавфсизлигини таъминлашда, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам беришда ҳамда уларнинг содир этилиши ҳолатларини ҳужжатлаштиришда техник воситалардан, шу жумладан аудио, фото- ва видео қайд этиш воситаларидан, криптографик воситалардан ҳамда бошқа маҳсус воситалардан фойдаланиши мумкин.

#### **2-боб. Қўриқланадиган шахслар ва обьектлар**

#### **15-модда. Қўриқланадиган шахслар**

Қўриқланадиган шахслар қўйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан расмий эълон қилинган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва унинг оила аъзолари;

2) Ўзбекистон Республикасининг собиқ Президенти ва унинг бутун ҳаёти даврида оила аъзолари;

3) янги сайланган Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифаларини ва ваколатларини бажарувчи шахс;

4) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ва чет давлатларнинг тегишли ваколатли давлат органлари ўртасидаги битимларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган вақтида чет давлатларнинг, ҳукуматларнинг, парламентларнинг, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, чет давлатларнинг бошқа сиёсий ва жамоат арбоблари, шунингдек уларга ҳамроҳлик қилаётган оила аъзолари;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармоийишларига мувофиқ қўриқланиши лозим бўлган бошқа шахслар.

**16-модда. Кўриқланадиган объектлар**

Кўриқланадиган объектлар кўйидагилардан иборат:

- 1) кўриқланадиган шахслар турган объектлар;
- 2) кўриқланадиган шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган транспорт воситалари, шунингдек уларнинг доимий жойлашув жойлари;
- 3) конунчилик мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тезкор бошқарувига берилган бинолар, иморатлар, иншоотлар (шу жумладан алоҳида хоналар), ер участкалари ва сув обьектлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига мувофиқ кўриқланиши лозим бўлган бошқа объектлар.

**3-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тизими ва унинг ҳукукий мақоми**

**17-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тизими**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг марказий девони, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг Коргаҳлопғистон Республикаси, вилоятлар бўйича бўлимлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалардан иборатdir.

**18-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳукукий мақоми**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати кўриқланадиган шахслар ва объектлар хавфсизлигини таъминлайдиган, шунингдек кўриқланадиган шахслар ва объектларнинг хавфсизлиги масалалари бўйича жалб қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат органдари ва бошқа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган, уларнинг ҳамкорлигини ҳамда тезкор бошқарувини амалга оширадиган маҳсус ваколатли давлат органдир.

**19-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг мансабдор шахсларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис бошчилик қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади.

**20-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг бўйсуниши ва ҳисобдорлиги**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва унга ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Президентини қўриқланадиган шахсларнинг ва объектларнинг хавфсизлиги масалалари, шунингдек ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

**4-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

**21-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг хуқуқлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида қўйидаги хуқуқларга эга:

1) қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар турган объектларни қўриқлаш ва мудофаа қилиш бўйича жанговар навбатчиликни ташкил этиш ҳамда олиб бориш, қўриқлаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини ҳамда қўриқлаш тадбирларига жалб қилинадиган кучлар ва воситаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларидан жалб қилинадиган кучлар ва воситаларнинг таркибини белгилаш;

2) қўриқланадиган шахсларнинг ҳамда объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал этишга Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ва, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларининг ходимларини жалб этиш ва уларга тезкор раҳбарлик қилишини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни уларнинг розилигига кўра жалб этиш;

3) қўриқланадиган объектларда ва қўриқлаш тадбирлари ўтказиладиган жойларда назорат-ўтиш режимини ўрнатиш, қўриқланадиган объектларга кириш (ўтиш) ҳамда қўриқланадиган объектлардан чиқиш (кетиш) чоғида шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, шунингдек транспорт воситаларига ва ташилаётган юкларга доир ҳужжатларни текшириш, фуқароларни ва уларнинг ёнидаги ашёларини шахсий қўриқдан ўтказиш, транспорт воситаларини ҳамда уларда ташилаётган ашёлар ва юкларни кўздан кечириш, шу жумладан муҳандислик-техник, сапёрлик-кинологик воситаларни қўллаган ҳолда кўздан кечириш;

4) қўриқланадиган объектларга ва қўриқлаш тадбирлари ўтказиладиган жойларга олиб ўтиладиган (олиб кириладиган), шунингдек қўриқланадиган объектлардан олиб чиқиладиган (олиб кетиладиган) ашёларнинг (юкларнинг) рўйхатини белгилаш;

5) қўриқланадиган шахслар билан мулоқотда бўладиган ва улар тур-

ган объектларга хизмат кўрсатишга жалб этиладиган жисмоний шахсларни маҳсус текширишни амалга ошириш, анкета маълумотларини ва бошқа зарур маълумотларни сўраб олиш, қораловчи маълумотлар олинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари ходимларини ишлардан четлаштириш ҳақида тақдимномалар киритиши;

6) қўриқланадиган шахсларга транспорт хизмати кўрсатиш ёки уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган ҳаво кемаларининг ва бошқа транспорт воситаларининг қўриқланишини таъминлаш;

7) қўриқланадиган шахсларга хизмат кўрсатиш учун бериладиган транспорт воситаларининг шайлигини текширишни, шу жумладан улардан фойдаланиш тартиби ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

8) қўриқланадиган шахсларнинг ҳамда объектларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир конунчиликда белгиланган чора-тадбирларга риоя этилишини жисмоний ва юридик шахслардан талаб қилиш;

9) қўриқланадиган шахсларнинг ва объектларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига ва, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиши;

10) қўриқланадиган шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид юзага келишининг олдини олиш зарурлиги муносабати билан ишларни бажаришни, хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишни ўн иш кунидан ошмаган муддатга тўхтатиб туриш;

11) қўриқланадиган объектлар худудларидан фойдаланишнинг алоҳида шартларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг чегараларини белгилаш ва ушбу худудлар учун шаҳарсозлик регламентларини келишиб олиш;

12) зарур бўлганда, қўриқланадиган шахсларнинг ҳаракатланиш йўналишларида, жойларнинг алоҳида участкаларидан ва объектларда транспорт воситалари ҳамда пиёдаларнинг ҳаракатланишини вақтингчалик чеклаш ёки тақиқлаш, шунингдек транспорт воситаларини шатакка олиш бўйича чоралар кўриш;

13) қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, кечикириб бўлмайдиган ҳолларда жисмоний шахсларнинг турар жойларидан (эгаларининг розилиги билан), юридик шахсларнинг хизмат хоналаридан, алоқа воситаларидан ва бошқа мол-мулкидан конунчиликда белгиланган тартибда зарарнинг ўринини қоплаган ҳолда фойдаланиш, бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига ҳамда халқаро ташкилотларга тегишли бўлган турар жойлар ва хизмат хоналари, алоқа воситалари ва бошқа мол-мулк мустасно;

14) ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларида ходиса содир бўлган жойга етиб бориш, шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббиёт муассасаларига олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни таъкиб қилиш ва уларни ички ишлар органларига олиб бориш учун, ушбу транспорт воситаларидан фойдаланилганлиги фактини тасдиқ-

ловчи ва транспорт воситаларидан фойдаланган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини идентификацияловчи ҳужжатларни берган ҳолда, фойдаланиш, бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, ҳалқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари мустасно. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш натижасида етказилган заарарнинг ўрнини қоплаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади;

15) кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси аэропортларидан, аэродромларидан, учиш-қўниш йўлаклари ва майдонларидан, вокзаллардан, дарё портларидан, шунингдек телекоммуникация тизимларидан бепул асосда фойдаланиш;

16) агар кечикирилиши кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигига ҳақиқатда таҳдид солиши мумкин бўлса, жиноятларга барҳам беришда, шунингдек жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилаётганда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли турар жойларга ва бошқа хоналарга, ер участкаларига ва худудларга монеликсиз кириш, кейинчалик йигирма тўрт соат ичидаги бу ҳақда тегишли прокурорни ёзма равишда хабардор қилиш;

17) кўриқланадиган шахслар турган объектларда, ҳаракатланиш ўйналишларида, уларнинг атрофида, шунингдек кўриқлаш тадбирлари ўтказиляётган жойларда муҳандислик-техник, сапёрлик-кинологик ва лаборатория-инструментал диагностикани амалга ошириш, портловчи моддаларга ва қўпорувчилик-террорчилик (шу жумладан биологик) воситаларига ёки ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш қурилмаларига тегишли эканлиги хусусида шубҳа туғдирувчи моддий объектларни (ашёларни) эвакуация ва йўқ қилишни амалга ошириш, алоқа ва маълумотлар узатиш каналларига тўсиқ қўйиш бўйича техник тадбирлар ўтказиши;

18) кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш мақсадида тезкор-қидириув ҳамда контрразведка фаолиятини амалга ошириш, ошкора ва маҳфий асосда фуқароларнинг ёрдамидан фойдаланиш;

19) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ихтиёрий асосда штатдан ташқари тезкор ходимлар сифатида жалб этиши;

20) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг юритувига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиши;

21) хукуқбузарликлар содир этишда гумон қилинаётган, хукуқбузарликлар содир этаётган ёки содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб туриш;

22) хукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан кўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига дахлдор бўлган хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини аниқлаш, бартараф этиши;

23) кўриқланадиган шахслар турган обьектлар, ҳаракатланиш йўналишлари ва уларга туташ худудлар узра самовий худудда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни бошқарув ҳамда навигация сигналларига тўсиқ қўйиш, шунингдек мазкур аппаратларга шикаст етказиш ёки уларни йўқ қилиш йўли билан тўлиқ ёки қисман тақиқлаш;

24) кўриқланадиган шахсларнинг ва обьектларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига тааллуқли бўлган фактлар ҳамда ҳодисаларни хужжатлаштиришни, фотосуратга олишни, овозли ёзувни, кино- ва видеотасвирга олишни амалга ошириш;

25) қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларга риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг давлат органларидан ва бошқа ташкилотларидан ахборотни ёки материалларни сўраш ҳамда бепул олиш, шу жумладан доимий асосда олиш, ахборот тизимларидан, маълумотлар базаларидан, ахборот-маълумот қайдларидан, архивлардан, ахборот-кидирув ва маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимларидан, шунингдек бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

26) белгиланган тартибда ахборотнинг криптографик химоясини амалга ошириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш;

27) рухсат берувчи тегишли хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, юкларни (багажни) кўздан кечирмасдан Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб ташиш;

28) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати эгалигида ёки фойдаланишида бўлган президент маҳсус алоқа тармоғи линиялари ва воситаларининг ишлаб туришини ҳамда хавфсизлигини таъминловчи ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ва бошқа ташкилотларига монеликсиз кириш ҳамда зарур техник хужжатларни олиш;

29) агар ҳар қандай мақсаддаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг алоқа воситаларига радиотўсқинликларни келтириб чиқарса, улардан фойдаланишга нисбатан чекловлар жорий этиш ташаббуси билан чиқиш;

30) президент маҳсус алоқа тармоғини ва идоравий ахборот-коммуникация тизимларини вақтинча ташкил этиш зарур бўлганда алоқа каналларини фойдаланишга бепул олиш;

31) кўриқланадиган шахсларнинг ва обьектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларининг обьектларида, шунингдек умумий фойдаланишдаги обьектларда идоравий ахборот-коммуникация тизимлари линияларини, алоқа каналлари ва воситаларини, ускуналарини устувор тартибда ўрнатиш;

32) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарларига юбориш;

33) чет давлатларнинг махсус хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва тегишли ташкилотлари билан тезкор ахборот, махсус техник воситаларни ҳамда бошқа воситаларни алмашиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг таълим олиши ва стажировкаларини ташкил этиш бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;

34) кўриқланадиган шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқарида турган даврида, шунингдек чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг кўриқланадиган шахслари Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрганида уларнинг хавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятни хорижий махсус хизматлар вакиллари билан мувофиқлаштириш, хавфсизликни таъминлаш, алоқа каналларини тақдим этиш шартлари ва тартибини келишиб олиш;

35) чет давлатларнинг кўриқланадиган шахслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган даврида уларга ҳамроҳлик қилувчи хорижий махсус хизматларга совук ва ўқотар куролни, ўқотар куролнинг ўқ-дорилари ни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва олиб чиқиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш ҳамда бериш;

36) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизмати ҳарбий хизматчиларига совук ва ўқотар куролларни ва махсус воситаларни сақлаш ҳамда олиб юриш, шунингдек хизмат мажбуриятларини ба жариш чоғида уларни Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари ҳудудига олиб кириш учун рухсат бериш;

37) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳақиқий ҳарбий хизматга қабул қилиш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси давлат органларидан ва бошқа ташкилотларидан танлаб олишни мустақил равишда амалга ошириш;

38) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлиги хизмати ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланиш;

39) ўз фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни амалга ошириш, илмий ва бошқа ташкилотларни, мутахассисларни жалб этиш, шу жумладан шартнома асосида жалб этиш;

40) кўриқланадиган шахсларнинг ва обьектларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сирларини ташкил этувчи архив маълумотларини ҳамда бошқа маълумотларни саклаш, расмийлаштириш, улардан фойдаланиш ва уларни беришнинг алоҳида тартибини белгилаш, зарур ахборот тизимларини яратиш;

41) кўриқланадиган шахсларнинг ва обьектларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**22-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қўриқланадиган шахсларнинг ва объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чофида:

- 1) қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигига таҳдидларни прогноз қилиши, аниқлаши ва уларнинг олдини олиши;
- 2) қўриқланадиган шахсларнинг ва объектларнинг хавфсизлигини таъминлаши;
- 3) қўриқланадиган шахсларга транспорт хизмати кўрсатиш чофида, овқатланиш хавфсизлигини, санитария-эпидемиологик осойишталикини таъминлаш ҳамда қўриқланадиган шахсларнинг доимий тиббий кузатуви чофида регламентларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши;
- 4) президент маҳсус алоқа тармоғининг ташкил этилишини ва барқарор ишланини, ахборотнинг криптографик ҳимоя қилинишини, президент маҳсус алоқа тармоғидан фойдаланиш тартибини белгиловчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига Ўзбекистон Республикаси давлат органдари ва бошқа ташкилотлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни таъминлаши;
- 5) қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қўриқланадиган объектларни ҳамда президент маҳсус алоқа тармоғини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сирларининг сақланиши таъминланишини назорат қилиши;
- 6) терроризмга қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиши;
- 7) қўриқланадиган шахсларнинг автомобиль, темир йўл, авиация, сув транспорти ва бошқа турдаги транспортда ҳаракатланиши хавфсизлигини таъминлаши;
- 8) қўриқланадиган шахсларга хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган автомобиль транспорти воситаларини фаҳрий мотоцикл эскорти билан таъминлаши;
- 9) қўриқланадиган шахслар турган объектлардаги ва ҳаракатланиш ўйналишларидаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиши, аниқлаши ва уларга барҳам бериши;
- 10) қўриқланадиган шахсларнинг ахборот хавфсизлигини ва улар турган объектларда киберхавфсизликни таъминлашда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиши, қўриқланадиган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига таҳдидларнинг (тажовузларнинг) олдини олиш ҳамда чоралар кўриш юзасидан мониторингни амалга ошириши;
- 11) қўриқланадиган шахсларнинг нуфузига путур етказувчи, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи, шунингдек ижтимоий-сиёсий фаолиятини обрўсизлантирувчи ахборот материаллари тарқатилишини аниқлаш ва унга чек қўйиш, прокуратура органларига ушбу ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш тақиқланган деб эътироф этиш тўғрисида аризалар билан Қорақалпоғистон Республика

си суди, вилоят, Тошкент шаҳар судларига мурожаат қилиши учун илтимоснома киритиш;

12) кўриқланадиган шахслар ва обьектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўриқлаш, тезкор-қидирув, ташкилий-режим, муҳандислик-техник, сапёрлик-кинологик, профилактика тадбирларини ҳамда бошқа тадбирларни режалаштириши, ташкил этиши ва ўтказиши;

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари билан, шунингдек чет давлатларнинг маҳсус хизматлари билан ҳамкорликни ташкил этиши;

14) кўриқланадиган шахсларнинг ва обьектларнинг хавфсизлигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ахборот-коммуникация тизимларини ишлаб чиқиши, яратиши, улардан фойдаланиши ва уларни ривожлантириши;

15) ўзининг хавфсизлигини таъминлаши;

16) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати зимасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**5-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни, совуқ ва ўқотар қуролни қўллаш**

**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни, совуқ ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни, совуқ ҳамда ўқотар қуролни қўллаш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари жисмоний кучни, маҳсус воситаларни, совуқ ва ўқотар қуролни юзага келган вазиятдан, шахслар хатти-харакатининг хусусияти ҳамда хавфлийк даражасидан, улар томонидан кўрсатилаётган қаршиликнинг хусусияти ва кучидан келиб чиқсан, уларни қўллашнинг ҳақиқий заруриятидан четга чиқмаган ҳолда қўллаши, кўзланган мақсадга эришилиши биланоқ дарҳол тўхтатиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари жисмоний куч ишлатишдан, маҳсус воситаларни, совуқ

ёки ўқотар куролни қўллашдан олдин, уларни қайси шахсга нисбатан қўллашни мўлжаллаётган бўлса, ўша шахсни ўзининг Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси эканлиги ҳақида, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ўзининг ваколатларини амалга ошириш нияти ҳақида огохлантириши ҳамда кўрсатилган шахсга унга қўйилган қонуний талаблар бажарилиши учун имконият ва вакт бериши шарт, бундан қўйидаги ҳоллар мустасно:

бундай огохлантиришнинг имконияти бўлмаса;

жисмоний куч ишлатишдаги, маҳсус воситаларни, совуқ ёки ўқотар қуролни қўллашдаги сусткашлик қўриқланадиган шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилигининг, қўриқлаш тадбирларини ўтказишида иштирок этиш учун жалб этилган Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари вакилларининг, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлифи учун бевосита хавф солса ёхуд қўриқланадиган объектлар ҳамда транспорт воситалари хавфсизлигига ҳақиқатда таҳдид солса.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси жисмоний куч ишлатилган, маҳсус воситалар, совуқ ёки ўқотар курол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ўзининг бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Агар ўзига нисбатан жисмоний куч ишлатилган, маҳсус воситалар, совуқ ёки ўқотар қурол қўлланилган шахс тан жароҳатлари олган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси мумкин қадар қисқа муддатда унга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш чораларни кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати жисмоний куч ишлатилганлиги, маҳсус воситалар, совуқ ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги оқибатида шахс ярадор бўлганлиги ёки вафот этганлиги ҳақида, шунингдек ўқотар курол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида тегишли прокурорни дарҳол хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси, агар:

1) у зарур мудофаа доирасидан четга чиқмаган бўлса ёки хукукбузарлик содир этган шахсни ушлаш тартибини белгиловчи қонунчилик талаблари бузилмаган бўлса;

2) у белгиланган тартибда берилган, ўзи учун мажбурий бўлган буйруқнинг ёки фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида харакат қилган бўлса;

3) у асосли хизмат таваккалчилиги ёки сўнгги зарурият шароитларида харакат қилган бўлса, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жисмоний куч ишлатганлиги, маҳсус воситаларни, совуқ ёки ўқотар қуролни қўллаганлиги муносабати билан етказилган маънавий, моддий ва жисмоний зарар учун жавобгар бўлмайди.

Ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилганидан бошқа ҳолларда жавобгарлик қонунда белгиланган тартибда юзага келади.

Қўриқлаш тадбирларида иштирок этишга жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ва бошқа ташкилотларининг вакиллари ҳам қўриқланадиган шахсларнинг, улар турган обьектларнинг ҳамда харакатланиш йўналишларининг хавфсизлигини таъминлаш чоғида қонунда назарда тутилган тартибда ва ҳолларда жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни, совуқ ҳамда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан жисмоний куч ишлатиш**

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятлари бажарилишини таъминламаса, улар ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, уларни содир этган шахсларни ушлаб туриш, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун ҳамда ўзини мудофаа қилиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан қўл жанги усулларини қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ушбу Конунда махсус воситалар, совуқ ёки ўқотар қурол қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

**25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан махсус воситаларни қўллаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг қуроланишида мавжуд бўлган махсус воситаларни кўйидаги ҳолларда қўллаш ҳуқуқига эга:

1) қўриқланадиган шахсларга, қўриқланадиган обьектларга ва транспорт воситаларига қилинган ҳужумни қайтаришда ёки ҳужум қилиш таҳдидининг олдини олишда, худди шунингдек уларни тутқунликдан озод қилишда;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлари вакилларига, шунингдек фуқароларга қилинган ҳужумни қайтаришда ёки ҳужум қилиш таҳдидининг олдини олишда ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига кўрсатилаётган бўйсунмаслик ва қаршиликка барҳам беришда;

3) ҳуқуқбузарларни ва қуролли қаршилик кўрсатмоқчи ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ўз зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятларини бажаришига бошқача тарзда монелик қилмоқчи деб хисоблаш учун ўзига нисбатан етар-

ли асослар мавжуд бўлган шахсларни ушлашда ва уларни ички ишлар органларига олиб бориша;

4) қўриқланадиган шахслар фаолиятига монелик қиласидиган ёки қўриқланадиган объектларга кириб олиш таҳдидини юзага келтирадиган оммавий тартибсизликларга ва гурух бўлиб қилинган ҳаракатларга барҳам бериша;

5) қўриқланадиган шахслар ёки объектлар хавфсизлигига таҳдид солувчи транспорт воситасини тўхтатиш зарур бўлганда;

6) совуқ ёки ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи, кучли таъсир этувчи кимёвий ва заҳарли моддалар конунга хилоф равиша ўзида мавжуд бўлган шахсларни қуролсизлантириш зарур бўлганда;

7) тажовузкор ҳайвонларни заарсизлантиришда;

8) қўриқлаш тадбирлари ўтказиладиган зонада ёки қўриқланадиган объектлар худуди узра самовий худудни учувчисиз учиш аппаратлари билан бузишларга барҳам беришда.

Махсус воситаларни қўллаш қўйидаги ҳолларда тақиқланади:

1) тез аланга олувчи, заҳарли, портловчи моддалар ёки махсус воситаларнинг таркибий қисмлари билан таъсирга киришганда одамларнинг хаёти ва соғлиғи учун катта хавф туғдирувчи моддалар ишлаб чиқариладиган, сақланадиган биноларда, хоналарда ёки ушбу моддалар ташиладиган транспорт воситалари яқинида;

2) хомиладорлик, ногиронлик белгилари яққол кўриниб турган шахсларга ва вояга етмаганларга нисбатан, агар вояга етмаганларнинг ёши аниқ қўриниб турган бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисига маълум бўлса, бундан ушбу шахслар ва вояга етмаганларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, террорчилик ҳаракатини содир этганлиги, одамларнинг хаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, қуролли ёки гурух бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати махсус восита сифатида хизмат итларидан фойдаланиши мумкин.

Махсус воситанинг тури ва уни қўллаш жадаллиги Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси томонидан юзага келган вазиятдан, тажовузнинг хусусияти ва хуқукбузарнинг шахсидан келиб чиқсан ҳолда мустақил равиша аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари махсус воситалар мавжуд бўлмагандан ёхуд уларни қўллаш имконияти бўлмагандан (мақсадга мувофиқ бўлмагандан), зарур мудофаада ёки ўта зарурий ҳолда қўл остидаги мавжуд ҳар қандай воситалардан (шу жумладан транспорт воситаларидан) фойдаланишга ҳакли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ушбу Қонунда совуқ ва ўқотар қуролни қўллашга рухсат этилган ҳолларда ҳам махсус воситаларни қўллаш хуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қуролланишида мавжуд бўлган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

**26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари томонидан совуқ ва ўқотар қуролни қўллаш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари совуқ ва ўқотар қуролни қўйидаги холларда охирги чора сифатида қўллаш хукуқига эга:

1) кўриқланадиган шахсларни уларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган, содир этилиш пайтида ўлимга ва (ёки) тан жароҳатлари етказилишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган хужумдан ёхуд шундай хужум таҳдидидан ҳимоя қилишда;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ҳамда кўриқлаш тадбирларига жалб этилган Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари вакилларига қилинган хужумни ёхуд хужум таҳдидини қайтаришда, агар уларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган бўлса, шунингдек уларга тегишли совуқ ва ўқотар қуролни, транспорт ва алоқа воситаларини, бошқа товар-моддий бойликларни ёки хужжатларни эгаллаб олишга уринишларга барҳам беришда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг қонуний фармойишига ёки талабига ашаддий равиша бўйсунмаслик ва ҳақорат қилиш холлари унга қилинган хужум деб ҳисобланмайди;

3) кўриқланадиган объектларга қилинган хужумни ёки хужум таҳдидини қайтаришда, худди шунингдек улар эгаллаб олинган тақдирда, уларни озод қилишда;

4) гаровга олингандарни озод қилишда, террорчилик ва бошқа жиноий тажовузларга барҳам беришда;

5) қуролли қаршилик кўрсатаётган, шунингдек бошқа ғайриҳуқуқий харакатларни содир этиши чоғида кўриб қолинган ва яширинишига уринаётган шахсни ушлашда, ушланишдан кутулиб қолиш учун ушбу шахс совуқ ёки ўқотар қуролни ёхуд кўринишидан совуқ ёки ўқотар қуролга ўхшаган ва ташқаридан қараганда ундан фарқ қилмайдиган ашёларни, портлатиш қурилмаларини ёки кўриқланадиган шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ва кўриқлаш тадбирларига жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлари вакилларининг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита хавф туғдирувчи ўзга ашёларни қўллаганда (қўллаш билан таҳдид қилганда), агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

6) совуқ ёки ўқотар қуролни, портлатиш қурилмасини ёхуд қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ва кўриқлаш тадбирларига жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлари вакилларининг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита хавф туғдириши мумкин бўлган предметларни қўйиш (топшириш) тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

7) фуқароларни уларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғдирувчи хужумдан ҳимоя қилишда, агар уларни бошқа усуллар ва воситалар билан ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса.

Шахс томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси қонуний равишда тақиқлаган ҳамда ҳарбий хизматчига кўрсатилган масофадан янада яқинлашишга, кийим-бошидан ёки қўл юқидан ниманидир олишга уринишда ифодаланган ҳаракатларнинг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси кўриқланадиган шахсларнинг, ҳарбий хизматчининг ўзининг ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрликни ишлатиш таҳдида сифатида талқин қилиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларнинг содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисига совуқ ёки ўқотар қуролни қинидан олиш ва жанговар шай ҳолатга келтириш, шунингдек уни ушбу Қонун талабларига мувофиқ қўллаш ҳукуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари қўйидаги ҳолларда ҳам совуқ ёки ўқотар қуролни қўллаш ҳукуқига эга:

1) агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси кўриқланадиган шахсларнинг, кўриқланадиган шахслар турган объектларнинг ва транспорт воситаларининг хавфсизлигига, бошқа шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ҳақиқатда таҳдидни вужудга келтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг, кўриқланадиган шахсларнинг ҳамда кўриқланадиган шахслар турган объектларнинг хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлари вакилларининг талабларини инкор этса, транспорт воситасини унга шикаст етказиш йўли билан тўхтатиш зарур бўлган тақдирда;

2) кўриқланадиган шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг ёки фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни заарсизлантириш учун;

3) огоҳлантирувчи ўқ узиш, юқорига қаратада ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ узиш орқали хавф-хатар сигналини бериш ёки ёрдамга чақириш учун.

Совуқ ёки ўқотар қуролни қўллаш қўйидаги ҳолларда тақиқланади:

- 1) кўриқланадиган шахслар томонга қаратада;
- 2) кўп одамлар тўпланганда, агар ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса;

3) тез аланга олувчи, захарли, портловчи моддалар ишлаб чиқариладиган, сақланадиган биноларда, хоналарда ёки ушбу моддалар ташиладиган транспорт воситалари яқинида;

4) хомиладорлик, ногиронлик белгилари яққол кўриниб турган шахсларга ва вояга етмаганларга нисбатан, агар вояга етмаганларнинг ёши аниқ кўриниб турган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсиз-

лик хизмати ҳарбий хизматчисига маълум бўлса, бундан ушбу шахслар ва вояга етмаганларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, террорчилик харатини содир этганлиги, одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига таҳдид этиб, қуролли ёки гурух бўлиб хужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

**6-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат  
хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ва  
ходимлари**

**27-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавф-  
сизлик хизматини кадрлар билан тўлдириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати касбга яроқлилик бўйича текширувдан муваффақиятли ўтган, муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан ихтиёрий асосда тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг захирасидаги ёки резервдаги фуқаролар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг аёл жинсига мансуб бўлган, ҳарбий-хисоб мутахассислиги бўйича тегишли касбий тайёргарликка эга бўлмаган фуқаролари қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига Ўзбекистон Республикасининг давлат органларидан ва бошқа ташкилотларидан ҳарбий хизматчиларни (ходимларни) танлаб олиш ҳамда ўтказиш устувор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига қабул қилишда иш жойидан бўшаган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳақиқий ҳарбий хизматга қабул қилинган кунга қадар кўпи билан уч ой ўтган бўлса, мазкур даврда бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан меҳнат муносабатлари мавжуд бўлмаса, ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиш узлуксиз ҳисобланади.

Алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг қарорига кўра, тор ихтисосликдаги ёки юқори малакали мутахассислар ҳақиқий ҳарбий хизматга ушбу Конунда белгиланган айрим талаблар ҳисобга олинмаган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг сержантлар таркиби лавозимларига умумий ўрта, ўрта маҳсус ёки олий маълумотга эга шахслар тайинланади.

Офицерлар таркиби лавозимларига олий таълим ташкилотларини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

Алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг қарорига кўра, ўрта маҳсус маълумотга эга сержантлар таркибидаги юқори касбий кўрсаткичларга эришган ҳарбий хизматчиларни офицерлик лавозимларига тайинлашга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига

қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг маҳсус ҳисобига қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки ишга кираётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан белгиланадиган тартибда дастлабки танловдан, шунингдек ўзлари тақдим этган маълумотларнинг ҳаққонийлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга ёки ишлашга яроқлиликни аниқлаш мақсадида ўрганишни ва ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки ишга қабул қилишга монелик қиласиган ҳолатларни аниқлашни, шу жумладан руҳий-физиологик тадқиқот ўтказиш орқали аниқлашни ўз ичиға оладиган текширувдан ўтади.

Конунчиликда назарда тутилган асосларга кўра ёхуд қўйидаги ҳолларда шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки ишга қабул қилинмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари эса ҳақиқий ҳарбий хизматдан ёки ишдан бўшатилиши мумкин:

- 1) текширув тартиб-таомилидан ўтишдан ёки давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишга руҳсатни расмийлаштиришдан, одамларнинг ҳаётига ва соғлиғига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган техник ҳамда бошқа воситалардан фойдаланилган ҳолдаги сўровдан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилганлик нуқтаи назаридан текширувдан ўтишни рад этганда;
- 2) олиб ташланган ёки тугатилган судланганлик ҳолати мавжуд бўлса, жиной жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги, тарафлар ярашганлиги муносабати билан, амнистия акти ёки афв этиш асосида жиноят иши тугатилганда, шунингдек қонунда белгиланган бошқа асосларга кўра жиноий жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод этилганда;
- 3) тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни ёки маълумотларни тақдим этмаганда ёхуд қалбаки ҳужжатларни ёки била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этганда;
- 4) сиёсий партияларнинг ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларининг аъзоси бўлса ва (ёки) уларнинг фаолиятида иштирок этган бўлса;
- 5) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса;
- 6) шифокорнинг кўрсатмаси бўлмагани ҳолда гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилса;
- 7) суд томонидан муомалага лаёкатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган бўлса;
- 8) ҳарбий-тиббий комиссиянинг хулосасига мувофиқ ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга ва мансаб ваколатларини бажаришга монелик қиласиган касаллиги мавжуд бўлганда;

9) бошқа давлат органларидан интизомий тартибда ёки меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун бўшатилганда;

10) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисига қўйиладиган талабларга мос келмаганда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматга ёки ишга қабул қилишни рад этиш сабабларини тушунтирмасликка ҳақли.

### **28-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунчилик билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши чоғида ўзининг шахсий, касбий ва психологияк сифатлари, маълумоти ҳамда соғлигининг ҳолати бўйича ўзига қўйиладиган махсус талабларга мос бўлиши керак ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг раиси тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг ор-номус кодексига риоя этиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига нисбатан махсус талаблар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг раиси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ўз ваколатига кирадиган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик Кенгаши аппарати билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига ва бошқа ташкилотларига харакатдаги резервда ҳақиқий ҳарбий хизматда қолдирилган ҳолда хизмат сафарига юборилиши мумкин. Хизмат сафари муддати Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг раиси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг қонуний талаблари фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурийdir.

### **29-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг хизмат гувоҳномаси ва жетони**

Хизмат гувоҳномаси ҳарбий хизматчининг Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига мансублигини, унинг шахсини, лавозими ва ҳарбий унвонини тасдиқловчи хужжатdir.

Хизмат гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг совуқ ва ўқотар қуролни олиб юриш ҳамда сақлаш ҳуқуқини, шунингдек ушбу Конуннинг 21-моддасида кўрсатилган бошқа ҳуқуқларни тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг жетони хизмат гувоҳномаси кўрсатилганда ҳақиқидир ва уни идентификация қилишнинг қўшимча воситаси бўлиб хизмат килади.

Алоҳида холларда, жетон Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисига қўриқлаш тадбирларига Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг қўшимча куч ҳамда воситаларини, уларнинг раҳбариятини йигирма тўрт соат ичиде ёзма равишда хабардор этган ҳолда жалб қилиш ҳуқуқини беради.

### **30-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида хизматда бўлиш билан боғлиқ чекловлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳақиқий ҳарбий хизматга кираётган шахслар ушбу Конунда белгиланган чекловларни ўз зиммасига олади, бу чекловлар ёзма шаклда қайд этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчисига қўйидагилар тақиқланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутати, Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати бўлиш, касаба уюшмалари, шунингдек сиёсий партиялар аъзоси бўлиш ҳамда уларнинг фаолиятида иштирок этиш;

2) педагогик, тиббий, илмий ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари, ҳак тўланадиган фаолият ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, тижорат ташкилотининг раҳбар органи ёки кузатув кенгаши таркибида кириш, бундан мазкур фаолият қонунчиликка мувофиқ лавозим мажбуриятлари хисобланадиган ҳоллар мустасно;

3) ўз хизмат фаолиятининг моддий-техникавий, молиявий ва ахборот таъминоти воситаларидан, бошқа давлат хизмат мол-мулкидан ва хизмат ахборотидан хизматдан ташқари мақсадларда фойдаланиш;

4) Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатишига ҳамда улар мансабдор шахсларининг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қиладиган харакатларда иштирок этиш;

5) ўз хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, шу жумладан мансабдор ва бошқа шахслар билан тил биритириш йўли билан фойдаланиш;

6) оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ўз хизмат фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавф

сизлик хизматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан фото-, аудио-, видеоматериалларни жойлаштириш;

7) қўриқланадиган шахслар билан хизмат заруриятисиз мулокотда бўлиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчишининг хизмат фаолияти инобатга олинган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг идоравий хужжатлари билан белгиланадиган бошқа чекловлар ҳам қўллалиши мумкин.

### **31-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвонлар бериш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвонлар бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларида маҳсус ўқитиш талаб қилинмайдиган сержантлар таркибидаги лавозимларда (иш юритиш, моддий-хўжалик, молиявий, техникавий, транспортга, спортга, тиббий таъминотга, кадрларга оид фаолият, ахборот-маълумот бериш фаолияти) бўлган ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвон, башарти у ўзига биринчирилган участкаларда ўз мажбуриятларини муваффакиятли бажарса, бўлинмалар бошлиqlарининг илтимосномасига кўра берилади.

Бошланғич «лейтенант» офицерлик ҳарбий унвони куйидагиларга берилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибидаги, олий маълумотли, офицерлар таркибидаги лавозимга тайинланган ва мажбуриятларини муваффакиятли бажараётган ҳарбий хизматчиларига — лавозимга тайинланганидан кейин уч ой ўтгач;

2) ҳақиқий ҳарбий хизматга офицерлар таркибидаги лавозимга кирган ва мажбуриятларини муваффакиятли бажараётган олий маълумотли шахсларга — лавозимга тайинланганидан кейин олти ой ўтгач;

3) сержантлар таркибидаги, ўрта маҳсус маълумотли, офицерлар таркибидаги лавозимга тайинланган ва мажбуриятларини муваффакиятли бажараётган ҳарбий хизматчиларга алоҳида ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг қарорига кўра — лавозимга тайинланганидан кейин камида ўн икки ойдан сўнг.

Захирадан қабул қилинган ёки бошқа давлат органларидан ўтказиш тартибида қабул қилинган ва маҳсус унвонга эга бўлган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси

лавозимига тайинлашда уларга қонунчиликда белгиланган тенг даражадаги ҳарбий унвон қайта аттестациядан ўтказиш тартибида берилади.

Олдинги махсус унвонда бўлганлик муддати навбатдаги ҳарбий унвонни бериш учун хизмат қилган йиллари муддатига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг махсус унвонга эга бўлган, ҳарбий хизматга кирган пайтида тенг даражадаги ҳарбий унвон берилмаган ҳарбий хизматчиларирига махсус унвондаги хизмат (иш) даври кейинчалик қайта аттестациядан ўтказиш тартибида навбатдаги ҳарбий унвонни бериш учун қўшиб ҳисобга олиниши мумкин.

**32-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ташкилотларида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида чет давлатларнинг олий таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларнинг юқори даражадаги касбий тайёргарлигини таъминлаш ва саклаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида режали асосда жанговар ва махсус тайёргарлик бўйича машгулотлар, шунингдек ҳар йили касбга яроқлиликни текшириш ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари жисмоний кучни, махсус воситаларни, совуқ ва ўқотар куролни қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга яроқлилик нуқтаи назаридан махсус тайёргарликдан, даврий текширувдан ўтиши шарт.

**33-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари**

Давлат Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни меҳнатга муносиб ҳақ тўлашни белгилаш, уй-жой ҳамда ер участкалари билан таъминлаш, имтиёзли узоқ муддатли ипотека ва автокредитлар бериш, уларнинг соғлиғи ҳамда мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, давлат пенсия таъминотини бериш, ҳарбий хизматчиларга, пенсионерларнинг белгиланган таркибига ва уларнинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ёрдам бериш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг бошқа турлари билан таъминлаш орқали кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлишнинг белгиланган чегарадаги ёшига тўлган,

юқори касбий тайёргарликка, әгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига ва соғлигининг ҳолатига кўра келгусида ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган ҳарбий хизматчиларига ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси томонидан улар билан ўн йилгача бўлган муддатга янги контракт тузиш орқали бир неча бор узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳақиқий ҳарбий хизматга резервдан ёки захирадан ихтиёрий тартибда қабул қилинган ҳарбий хизматчилар, шунингдек қабул қилингунига қадар ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган, календарь ҳисобида ўн йил хизмат қилган аёллар офицерлик увонида бўлган чоғида бўшатилган тақдирда, уларнинг:

олий таълим ташкилотининг кундузги ўқув шаклида ўқиган вақти ушбу ўқишнинг бир ойи хизматнинг бир ойига tengлаштирилган ҳолда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилади;

улар ҳақиқий ҳарбий хизматга қайси ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича тайинланган бўлса, ўша мутахассисликка мувофиқ бўлган лавозимлардаги иш стажи ҳам ушбу ишнинг бир ойи хизматнинг бир ойига tengлаштирилган ҳолда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчининг оила аъзолари, ҳалок бўлган (вафот этган) шахс хизмат қилган ўйлардан қатъи назар, унга берилган хизмат турар жойини бепул хусусийлаштириш ҳуқуқига эга.

Бошқа давлат органларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ўtkазиш тартибида қабул қилинган ва маҳсус увонга эга бўлган шахслар учун олдинги маҳсус увонда бўлиш муддати имтиёзли узоқ муддатли ипотека ва автокредитлар бериш учун хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига қонунчиликда ҳарбий хизматчиларга нисбатан белгиланган бошқа ижтимоий кафолатлар ва имтиёзлар ҳам берилади.

#### **34-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизмат мажбуриятларини бажариши чорида ҳокимиёт вакиллари ҳисобланади ва давлат ҳимоясида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини хақорат қилиш, уларга қаршилик қўрсатиш, уларга нисбатан таҳдид ёки зўрлик қилиш, хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан уларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси хизмат мажбуриятларини ёки хизмат бурчини бажариши муносабати билан унинг мол-мулкига етказилган заарнинг ўрни давлат томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари хизмат сафарига юборилганда, бўш жой мавжудлигидан ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, транспортнинг барча турларига йўл чипталарини навбатсиз олиш ва меҳмонхоналарга навбатсиз жойлашиш хуқуқидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини уларнинг хизмат мажбуриятлари жумласига кирмайдиган вазифаларни бажаришга жалб қилиш тақиқланади. Бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиқларидан ташқари, ҳеч ким уларнинг хизмат фаолиятига аралашибшга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси бевосита ҳамда тўғридан-тўғри бошлиқларининг ўзига нисбатан қабул қилинадиган қарорлари ва харакатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг юқори турувчи мансабдор шахсига шикоят қилиш хуқуқига эга.

### **35-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг дахлсизлик кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ вактида дахлсизликка эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг вакили иштирокисиз ёки суднинг қарорисиз уни шахсий кўрикдан ўтказишга, унинг ёнидаги ашёларни, унинг фойдаланувидаги транспорт воситаларини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди, бундан унинг жиноят содир этиши чоғида ёки бевосита уни содир этганидан кейин ушланганиги ҳоллари мустасно.

### **36-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини ишга жойлашириш кафолатлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари ҳарбий хизматдан бўшатилган тақдирда уларга ҳарбий хизматга қабул қилингунига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, аввалги иши (лавозими) мавжуд бўлмагандага эса уларнинг мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси давлат органларидаги ва бошқа ташкилотларидаги ўзга тенг даражадаги иш (лавозим) биринчи навбатда берилади.

**37-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг формали ҳарбий кийим-боши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари белгиланган намунадаги формали ҳарбий кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий мол-мулк билан бюджет маблағлари хисобидан таъминланади.

Камида йигирма календарь йили мобайнида ҳарбий хизматни бенуқсон ўтаган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларига ҳарбий хизматдан бўшатилаётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раисининг бўйруқлари билан формали ҳарбий кийим-бош кийиш ҳуқуқи берилади.

**38-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ходимлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ходимларининг меҳнатга оид ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат кафолатлари, қулай меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш меҳнат тўғрисидаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

**7-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг молиявий, моддий-техника ва бошқа таъминоти**

**39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг молиявий таъминоти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида бюджетдан ташқари жамғармалар тузилиши мумкин, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

**40-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг моддий-техника таъминоти**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларини жойлаштириш ёки унинг бўлинмаларини жойлаштириш учун мўлжалланган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ўз

зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланишга транспорт воситаларини ва бошқа мол-мулкни давлат ҳокимияти ва бошқарув органдаридан, ташкилотлардан, фуқаролардан қабул қилиб олишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тезкор бошқарувидаги бинолар, иморатлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк, мазкур бинолар, иморатлар, иншоотларга туташ сув объектлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан яратилган ёки олинган мол-мулк, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига берилган ер участкалари давлат мулкидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликда белгиланган тартибда шакллантириладиган хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.

**41-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг таъминотида бўладиган воситалар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ахборот-коммуникация тизимларини, шунингдек ахборотнинг химоя воситаларини, шу жумладан криптографик химоя воситаларини ишлаб чиқади, яратади ҳамда улардан фойдаланади, уларнинг хавфсизлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг шу каби тизимларидан қўриқланадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб, қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланади.

**42-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги маълумотларни химоя қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматида давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларнинг химоя қилиниши, шу жумладан криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан химоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматига ҳарбий хизматга ёки ишга кираётган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишга ижозат бериладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишга руҳсатни расмийлаштириш тартиб-таомилидан ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг ҳужжатлари ва материаллари идоравий архивда сақланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тарихий ва илмий аҳамиятга молик архив материаллари қонунчиликда белгиланган тартибда махфийликдан чиқарилади ҳамда сақлаш учун давлат архивларига топширилади.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

#### **43-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг рамзлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати байроққа, эмблемага ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг рамзлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

#### **44-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, қўриқланадиган шахслар ва бошқа фуқаролар ҳақидаги, ўз хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан маълум бўлиб қолган ахборотни (шахсга доир маълумотларни) тарқатганлиги, шунингдек ушбу Қонуннинг 30-моддасида белгиланган чекловларни бузганлиги қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчисининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати томонидан бюджетдан ташқари маҳсус жамғарма маблағлари хисобидан копланади ва ушбу сумма кейинчалик айборд шахслардан ундириб олинади.

#### **45-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Агар фуқаролар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз хуқуқлари чекланишига сабаб бўлган, ўзларига маънавий зиён ёхуд моддий зарар етказган деб хисобласа, ушбу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан мазкур органнинг мансабдор шахсларига, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ёки судга қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

#### **46-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг фаолияти устидан назорат**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг фаолиятида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хилда ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Прокурор назоратининг предмети бўлган масалалар бўйича маълумот-

лар тегишли прокурорга қонунчилиқда белгиланган асосларда ва тартибда тақдим этилади. Прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида ўзига тақдим этилган хужжатлар ва материалларда кўрсатилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

**47-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунчиликни бузганик учун жавобгарлик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисидаги қонунчиликни бузганикда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**48-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин;  
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда мохияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**49-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 июль,  
ЎРҚ-700-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 400 Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизими- ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик соҳасини ҳар томонлама такомиллаштириш, бу соҳадаги муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мамлакатда суд экспертизаси назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини шакллантириш, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-куватлаш, суд-экспертлик соҳасини ўрта муддатда тизимли ислоҳ қилишнинг аниқ чора-тадбирларини белгилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган концепцияси бўйича 2021 — 2023 йилларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харитаси») 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

суд эксперталарининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, соҳадаги норматив-хукуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш;

суд-экспертлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш;

суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан, услубиёт ва регламентларни такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда суд эксперталарини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш;

нодавлат суд-экспертиза институтини ривожлантириш;

суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва ривожлантириш;

суд-экспертлик фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган концепциясини амалга

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 июлда эълон қилинган.

\*\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ошириш бўйича Кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) таркиби З-илова-га\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кенгашга (Р.К. Давлетов):

суд экспертизаси соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни тизимли ҳал қилиш юзасидан идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

Концепция ва «йўл харитаси»ни амалга оширишга қаратилган чоратадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича идоралараро консультатив платформа сифатида хизмат қилиш;

Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва илмий доиралар вакилларини кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра сухбатлари ва пресс-конференциялар ташкил қилиш вазифалари юклансин.

5. Адлия вазирлиги, Буш прокуратура ва Олий суднинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази (кейинги ўринларда — Х. Сулаймонова маркази) тузилмасида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда 15 та штат бирлигидан иборат Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Институт штат бирликлари адлия органлари ва муассасаларининг 10 та ҳамда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг 5 та штат бирликлари хисобидан шакллантирилади;

Институт фаолиятини молиялаштириш Х. Сулаймонова маркази маблағлари доирасида амалга оширилади.

6. Қўйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига илмий-услубий кўмак бериш;

суд-экспертлик вазифаларини ҳал қилишнинг илмий асосларини такомиллаштириш ва ягона илмий-методик ёндашувларини ишлаб чиқиш;

суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ва илмий ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш;

суд-экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқларини жорий этиш бўйича чораларни кўриш;

суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизmlарни ишлаб чиқиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг малакали суд экспертиза хulosаларига бўлган эҳтиёжларини доимий равишда ўрганиш орқали суд экспертизасининг янги турлари ҳамда услубиётларини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар киритиш;

суд экспертизаси соҳасига ривожланган ахборот технологиялари ва инновацияларни кенг жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

---

\* З-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда Институт фаолиятини ташкил этишва унга юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар режасини ўз ичига қамраб олган қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга кўра шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ, суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқот ўтказиш хукуки берилсин. Бунда, тадқиқот натижаларига кўра мутахассис фикри тақдим этилади;

иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда адвокатга судга қадар тайёргарлик ва суд жараёнида эксперт хулосасини суд мухокамасида тақдим этиш хукуки асосида давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида шартнома асосида адвокат сўровига кўра экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишига руҳсат берилсин;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари эксперталарининг касбий малакасини аниқлаш ҳамда уларнинг мунтазам равишда билим ва кўнимкаларини ошириб боришни таъминлаш мақсадида уларни ҳар уч йилда бир маротаба аттестациядан ўтказиш механизми жорий килинсин;

б) 2022 йил 1 марта бошлаб суд эксперталари ва экспертиза тўғрисидаги маълумотларни ўзиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлашириш, аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказиш, экспертиза харакатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган «E-ekspertiza» ягона электрон ахборот тизими ишга туширилсин.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин бўлган суд экспертизаси турлари бўйича тадқиқотлар рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда «E-ekspertiza» ягона электрон ахборот тизими жорий этиш чора-тадбирлари режасини тасдиқласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

суд-экспертиза соҳасида кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасаларида дуал таълим принципига мувофиқ, бакалавриат ёки магистратура босқичларида таълим олаётган даврда шартнома асосида тегишли экспертиза турлари бўйича камиде олти ойлик эксперталар тайёрлаш курсларида (кеянги ўринларда — тайёрлаш курслари) амалга оширилиши мумкин;

тайёрлаш курслари олий таълим муассасалари ва давлат суд-экспертиза муассасалари билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади;

тайёрлаш курслари татбиқ этилган олий таълим муассасаларида таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чи-

қариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар олий таълим муассасаси ва давлат суд экспертиза муассасаси ўртасида тасдиқланади;

тайёрлаш курслари натижаларига кўра тегишли суд-экспертиза фаолияти билан шуғулланиш учун сертификат берилади. Бунда, сертификат эгалари нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ёки давлат суд-экспертиза муассасаларида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда эксперталар тайёрлаш курсларини ташкил этиш тартиби ни тасдиқласин.

9. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали экспертиза тадқиқотларига бўлган эҳтиёжларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда 2021 — 2025 йилларда жорий этиладиган экспертиза ва тадқиқот турлари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Адлия вазирлигига нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш борасида кўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд эксперталари томонидан ўтказиладиган суд экспертизаларининг мураккаблик даражасини аниқлаш, суд экспертизаларининг мураккаблик даражасига караб уларни амалга ошириш муддатларини хисоблаш тартибини, суд эксперталари юкламаларининг нормативларини белгилаш ва уларга риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари, уларнинг суд эксперталари ва суд экспертилик тадқиқотлари услубларининг давлат реестрларини юритиш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ҳар бир суд-экспертиза турлари бўйича моддий-техника базасининг жиҳозланишига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқлаш;

нодавлат суд эксперталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда суд эксперти касб этикаси қоидаларини белгилаш ва уларга риоя этилиши юзасидан назорат олиб бориш.

Ушбу бандда қайд этилган вазифаларни амалга ошириш учун Адлия вазирлиги марказий аппаратида адлия органлари ва муассасаларининг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида 3 та штат бирлигидан иборат Суд-экспертилик фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилсин.

11. Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 августдан бошлаб давлат суд-экспертизаси муассасаларининг фойдаланилмайдиган биноларини (корпушларини) суд экспертилик фаолиятини амалга ошириш шарти билан хусусий шерикларга ижарага тақдим этиш тизими жорий этилишини таъминласин.

12. Адлия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Суд-экспертилик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил қилинсин.

\* 4-илова «Конунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

Кўйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб:

Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва улар тизимидағи ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган тушумнинг 1 фоизи микдоридаги ажратмалар;

давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказиладиган суд-экспертиза тадқиқотлари учун олинган тўловларнинг 5 фоизи;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари ва грантлари;

Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитлари га жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин;

б) Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар этиб:

«E-ekspertiza» ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш, фойдаланиш ва техник қўллаб-кувватлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига субсидиялар ажратиш;

суд экспертиза соҳасидаги илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, суд экспертизасининг янги турлари ва тадқиқот ишларини қўллаб-кувватлаш учун грантлар ажратиш;

суд экспертларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш;

суд экспертилик фаолиятига илфор фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш белгилансин.

13. Давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари 2023 йил 1 июнга қадар уларнинг фаолиятини таъминлаш учун ўхшаши Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган асбоб-ускуналар, маҳсус жиҳозланган автотранспорт воситалари, дастурий таъминотлар, реактивлар, реагентлар ва сарфлаш материаллари ҳамда фойдаланишда бўлган асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари учун божхона тўловларидан (кўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

14. Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб суд эксперталарига нисбатан кўйидаги қўллаб-кувватлаш чораларини татбиқ этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

суд экспертизасининг муайян тури бўйича узлуксиз равишда камида сўнгги уч йил давомида суд-экспертилик фаолиятини амалга ошириб келаётган давлат суд эксперталари ушбу ихтисослик бўйича қайта тайёрлашдан ўтмасдан, нодавлат суд эксперти сертификатини олиш учун якуний имтиҳон топширишга ҳақли бўлади;

давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертлари баҳолаш йўналишидаги суд экспертизаси турларини амалга оширишда суд экспертизаларини ўтказиш хуқуқини берувчи тегишли гувоҳнома ва сертификатга эга бўлганда, улардан баҳоловчининг малака сертификати талаб қилинмайди;

давлат ташкилотларидаги илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашга доир рафбатлантириш шартлари давлат суд-экспертиза муассасаларининг ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этилади;

нодавлат суд экспертларининг ўз касбий мажбуриятларини бузиши оқибатида етказиладиган заардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тартиби жорий этилади.

Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда нодавлат суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тартиби юзасидан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳалари ни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

### 15. Адлия вазирлиги:

уч ой муддатда хуқукни муҳофаза қилувчи органларнинг худудий бўлинмалари эҳтиёжларини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга янада куляйликлар яратиш мақсадида X. Сулаймонова марказининг худудий бўлимларида экспертиза тадқиқотларининг қўшимча турларини Жамғарма маблағлари хисобидан жорий қилишга қаратилган Хукумат қарори лойиҳасини киритсин. Бунда, Фарғона, Термиз, Урганч шаҳарларида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда Самарқанд шаҳрида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ва Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини босқичма-босқич ташкил қилишни назарда тутсин;

2021 йил 1 октябрга қадар «Ўзбекистон суд-экспертизаси» электрон илмий журналини чоп этиш чораларини кўрсинг;

2022 йил 1 январга қадар хуқукни муҳофаза қилувчи органлар, илмий жамоатчилик ва ушбу соҳа вакиллари ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда давлат суд-экспертиза муассасаларини босқичма-босқич марказластириш орқали молиявий харажатларни оптималлаштириш масаласини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилган ҳолда ўрганиб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2022 йил 1 апрелга қадар Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг янги таҳририни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

суд экспертларининг касбий билим ва малакасини оширишда хорижий суд-экспертиза ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтирган ҳолда ҳар ўили камида 10 нафар суд экспертизининг Жамғарма маблағлари ва грантлар

хисобидан хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қонунчилик хужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларида 5-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.К. Давлетов ва адлия вазири ўринbosари А.Д. Ташкулов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринbosари Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 июль,  
ПФ-6256-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 5 июлдаги  
ПФ-6256-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини  
ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик фаолиятини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) мамлакатимизда суд-экспертиза соҳасини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилашга қаратилган.

Халқаро нормалар ва стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда судлар ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали суд-экспертиза хulosаларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, суд-экспертлик фаолиятини тизимли равишда такомиллаштириб бориш, барқарор ва илмий талабга жавоб берадиган суд экспертизаси тизимини шакллантириш, суд жараёнларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари химоясини кучайтириш ҳамда суд экспертларининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш Концепциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Концепция соҳа фаолиятини ривожлантиришга оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

## **2-боб. Суд-экспертлик тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар**

Мамлакатимизда суд-экспертлик фаолиятини жадал ривожлантириш, соҳада фан ва техника ютуқларининг замонавий усулларини жорий этиш борасида қатор изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Сўнгги икки йил ичida суд экспертизаси соҳасида 34 та илмий-тадқиқот ишлари ўтказилди, 29 та янги илмий услубиётлар ишлаб чиқилди, 8 та янги суд-экспертлик турлари жорий этилди.

Бугунги кунда 6 та давлат муассасаси, шунингдек, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан 55 турдаги суд-экспертиза тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Нодавлат суд-экспертиза муассасаларини ташкил этиш, экспертларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг хукуқий асослари яратилди.

Суд эксперталарининг малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Суд эксперталарини масофавий ўқитиш шакли жорий этилди.

397 нафар суд эксперталарининг малакаси ва хукуқий билимини ошириш таъминланди.

Шу билан бирга, яқин келажакда суд-экспертлик соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган куйидаги асосий муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчидан, суд-экспертлик фаолиятининг ташкилий ҳамда илмий-услубий жиҳатдан марказлашмаганлиги муайян бир экспертиза тури бўйича турли ёндашувлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

иккинчидан, суд-экспертиза тадқиқотларини терговга қадар текширув, суриштирув ва терговни амалга оширувчи органлар хузуридаги суд экспертизаси муассасалари томонидан амалга оширилиши суд экспертизининг мустақиллигини ҳамда текширишларнинг холислиги каби принципларига жавоб бермайди;

учинчидан, суд-экспертиза соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб борадиган, ушбу йўналишдаги муаммоларни доимий равишда тахлил қилган ҳолда соҳани замон талабларига мос равишда такомиллаштириш вазифасини бажарадиган профессионал илмий-тадқиқот муассасаси мавжуд эмас;

тўртингидан, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг самарали тизими ҳамда уларга услубий кўмаклашиш механизmlари яратилмаган;

бешинчидан, суд эксперталарининг касбий билим ва кўникмаларини ошириб бориши учун етарлича имкониятлар яратилмаганлиги ҳамда уларни хорижий давлатларга малака ошириш ва стажировка ўташ учун грант маблағлари ажратилмаслиги ушбу соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

олтинчидан, суд-экспертлик фаолиятига фан ва техника ютуқларини жорий этиш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти, ушбу соҳадаги тизимли

муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш суст ахволда қолмокда;

еттинчидан, суд-экспертиза муассасалари ходимларини моддий-ижтимоий рағбатлантириш механизмларининг такомиллаштирилмаганлиги олиб бориляётган тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, вижданли ва юқори малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермайди.

### **3-боб. Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат:

суд эксперталарининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, соҳадаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириб бориш;

суд-экспертлик амалиётини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш;

суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан, услубиёт ва регламентларни такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютукларини жорий этиш;

суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда суд эксперталарини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш;

нодавлат суд-экспертиза институтини ривожлантириш;

суд-экспертлик фаолияти соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш ва ривожлантириш;

суд-экспертлик фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

### **4-боб. Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш механизмлари**

#### **1-§. Суд эксперталарининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, соҳадаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириб бориш**

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш:

нодавлат суд-экспертлик ташкилотларининг мақоми, уларга қўйиладиган талаблар, улар томонидан суд экспертизалари ва тадқиқотларини ўтказишиш тартиб-таомили ҳамда иш регламентларини белгилаш;

нодавлат суд-экспертлик фаолиятини методик таъминлаш ҳамда тартибга солиш механизмини жорий этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан эксперталар томонидан мутахассис фикрини бериш;

маҳсус ваколатли органнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

қайта экспертиза ўтказиш ваколати бериладиган экспертлар реестрини юритиш тизимини жорий этиш ва унга киритишга доир талабларни белгилаш;

суд эксперталари томонидан қасамёд қабул қилиш;

суд экспертизаси фаолиятининг янада ишончлилигини ошириш мақсадида аккредитация ва валидация институтларини жорий этиш.

2. Суд-экспертлик касбининг мустакиллиги, шунингдек улар фаолиятининг кафолатларини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида миллий қонунчиликни халқаро норма ва талабларга изчил равишда мувофиқлаштириш.

3. Ўзбекистонда ягона суд-экспертиза тизимини яратишга доир таклифлар ишлаб чиқиши.

4. Процессуал қонунчилик хужжатларига нодавлат суд экспертларининг суриштирув, дастлабки тергов ва суд иш юритувидаги иштироки ҳамда улар ваколатини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

5. Суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятида давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг татбиқ қилиш.

6. Адвокатнинг сўровига асосан шартнома асосида давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига экспертиза тайинлаш ва экспертиза хуносасини олиш ваколатларини белгилаш.

7. Суд эксперталари фаолиятига аралашиш ҳолатлари учун жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш.

8. Қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган давлат ва нодавлат суд эксперталарига нисбатан таъсир чоралари қўллашнинг аниқ мезон ва механизmlарини белгилаш.

9. Суд эксперталарининг ноқонуний ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатларнинг адолатли ва холис кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Малака комиссияси фаолиятини ташкил этиш.

## **2-§. Суд-экспертлик амалиётини кенгайтириш ҳамда суд экспертизаларининг сифати ва ишончлилигини ошириш**

1. Суд-экспертиза муассасаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакали суд экспертизаси холосаларига бўлган эҳтиёжларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини, шунингдек илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда суд экспертизасининг янги турларини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.

2. Суд экспертизасининг янги турларини жорий қилиш бўйича грантлар ажратиш.

3. Давлат суд-экспертиза муассасалари тузилмасини, шу жумладан, республика минтақаларида ривожлантириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги X. Сулаймнова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг (кейинги ўринларда — РСЭМ) худудий бўлимларида жойлардаги зарур эҳтиёжлар ҳамда мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда экспертиза тадқиқотларининг қўшимча турларини жорий қилиш. Шу жумладан, Фарғона, Термиз, Урганч

шахарларида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда Самарқанд шаҳрида Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларини босқич-ма-босқич ташкил қилиш.

5. Суд эксперлари ва экспертиза түғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда экспертиза харакатларини амалга оширишга алоқадор ташкилотлар билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган «E-expertiza» ягона ахборот тизимини жорий этиш (интеграция қилиш).

6. Эксперт хуносаларининг халқаро миқёсда тан олиниши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида давлат суд-экспертиза муассасалари лабораторияларининг халқаро илмий-техник талабларга мослигини таъминлаган ҳолда уларни халқаро аккредитациядан ўтказиш.

7. Суд эксперларининг фаолиятини касбий лаёқатлилиги, ўтказилган суд экспертизаларининг сифати ва бошқа мезонларга асосан рейтинг тизимида баҳолаб бориш.

8. Суд эксперларининг ягона реестрини юритиш орқали улар фаолиятига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш.

9. Суд-экспертлик соҳасига замонавий ахборот технологиялари ва инновацияларни кенг жорий қилиш, шу жумладан, аҳолига суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотларни етказишга қаратилган суд-экспертиза ахборот порталини яратиш.

10. Илмий фаолият билан шуғулланувчи муассасаларга ўз фаолият йўналишлари бўйича суд-экспертлик тадқиқотларини ўтказиш хуқуқини бориш.

### **3-§. Суд-экспертлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан, услубиёт ва регламентларни такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш**

1. Суд-экспертлик илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш.

2. РСЭМда суд экспертизаси мутахассислиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини бериш бўйича алоҳида Кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Суд-экспертлик вазифаларини хал қилишнинг илмий асосларини янада такомиллаштириш ва ягона илмий-методик ёндашувларини ишлаб чиқиш.

4. Давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан судларга ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга методик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, улар учун суд экспертизаларини тайинлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича амалий қўлланмалар ва бошқа адабиётлар нашр қилиш.

5. Адлия органлари томонидан аниқ иш режа асосида суд-экспертлик соҳасидаги муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни тизимли ҳал қилиш юзасидан аниқ, чукур, илмий асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизmlарни ишлаб чиқиш чораларини кўриш.

6. Суд-экспертлик соҳасидаги мавжуд услубиётларни танқидий кўриб чиқиши орқали уларни халқаро стандартларга ва талабларга мослаштириш.

7. Суд-экспертлик фаолиятининг долзарб муаммоларини тадқиқ қилиш бўйича аниқ режа-график асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш.

8. Суд экспертизаси ва криминалистика соҳасида янги авлод дарсликларини хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш.

9. Суд экспертизаси ва криминалистика атамаларига оид луғат яратиш.

10. «Ўзбекистон суд-экспертизаси» электрон илмий журналини ташкил этиш.

11. Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахслар, жиноятчилар колдирган биологик излар, таниб олинмаган мурдалар, бедарак йўқолган шахслар бўйича геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини яратишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

#### **4-§. Суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда суд экспертларини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш**

1. Суд-экспертиза соҳасида кадрлар тайёрлашни олий таълим муассасаларида дуал таълим принципига мувофиқ, бакалавр ёки магистратура босқичларида таълим олаётган даврда шартнома асосида тегишли экспертиза турлари бўйича камида олти ойлик экспертлар тайёрлаш курсларида амалга оширилишини йўлга қўйиш.

2. РСЭМда профессор-ўқитувчилар доимий фаолият юритадиган ўкув кафедраларини ташкил қилиш орқали экспертларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини ошириш.

3. Соҳага инновацион ўқитиши услублари ва шаклларини кенг жорий этиш орқали давлат ва нодавлат суд экспертларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, шунингдек суд эксперталарини кредит-модуль тизими асосида малакасини ошириш.

4. Суд эксперталарини ишдан ажралмаган ҳолда уларнинг иш жойида касбий малакасини ошириш тизимини жорий қилиш.

5. Суд эксперталарининг касбий билим ва малакасини оширишда хорижий суд-экспертлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, бунда ҳар йили камида 10 нафар суд экспертизининг грант маблағлари хисобидан хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировка ўташини йўлга қўйиш.

6. Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда суд ходимлари учун суд экспертизаларини ўтказишга зарур бўлган тадқиқот объектларини йиғиши, сақлаш ва тақдим этиш усуллари тўғрисида доимий равишда манзилли ўкув семинарлар (вебинарлар)ни ташкил қилиб бориш.

7. Малака ошириш жараёнларига хорижий давлатларнинг суд-экспертиза соҳасидаги мутахассисларини маърузачи ва ўқитувчи сифатида кенг жалб этиш.

8. Суд-экспертлик соҳасида илмий фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг экспертизик касбига киришиш жараёнини соддалаштириш.

9. Экспертиза муассасаларида кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, ходимлар томонидан доимий равишда ўз касбий ва илмий салоҳиятини ошириб боришини қўллаб-қувватлаш мақсадида илмий даражага эга бўлган кадрлар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда турли имтиёз ва молиявий имкониятлар бериш.

10. Экспертиза муассасаларига илмий муассаса мақомини бериш.

### **5-§. Нодавлат суд-экспертиза институтини ривожлантириш**

1. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ва хусусий экспертиларнинг бирлашмасини ташкил қилиш.

2. Адлия органларининг нодавлат суд экспертилари фаолиятини тартибга солиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга кўмаклашишга доир вазифаларини белгилаш.

3. Нодавлат суд экспертиларининг касбий лаёкатлилиги ҳамда ўтказилган суд экспертизаларининг сифатини мониторинг қилиб бориш.

4. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаш.

5. Суд экспертиларига суд экспертизасининг муайян тури бўйича қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан якуний имтихон топшириш хукуқини беरувчи суд-экспертлик фаолиятини узлуксиз равишда амалга ошириш муддатини 10 йилдан 3 йилга қисқартириш.

6. Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти штатида унинг раҳбаридан ташкари бир хил ёки турли хил суд экспертизаси йўналиши бўйича суд эксперти сертификатига эга камидা икки нафар суд эксперти бўлиши лозимлиги талабини бекор қилиш.

7. Якка тартибда нодавлат суд-экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи хусусий экспертилар институтини жорий этиш.

8. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан ўтказилишига рухсат берилган суд экспертизалари турларининг рўйхатини кенгайтириш.

### **6-§. Суд-экспертлик фаолияти соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш**

1. Суд-экспертиза муассасаларининг Осиё тармоғи (Азиатская сеть учреждений судебной экспертизы (Asian Forensic Sciences Network — AFSN)га аъзо бўлиш.

2. Суд-экспертлик фаолиятининг энг долзарб муаммолари таҳлили асосида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар, дастурлар ва лойиҳаларни, шу жумладан, миллий, хорижий ва ҳалқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиши.

3. Хорижий етакчи суд-экспертиза, илмий-тадқиқот ва бошқа ташки-

лотлар билан халқаро хужжатлар тузиш, қўшма дастурларни амалга ошириш.

4. Халқаро экспертлар иштирокида мамлакатимиз суд эксперталари учун хорижий амалиёт, семинар ва ўқув курсларини ташкил этиш ишларини кучайтириш.

5. Ўзбекистон Республикаси суд-экспертиза муассасалари ва ташкилотлари томонидан хорижий ташкилот ва чет эл фуқаролари учун суд-экспертиза имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида уларга хизмат кўрсатиш тартибини ишлаб чиқиши.

6. Суд эксперталарининг халқаро илмий-амалий анжуманларда, жумладан, Жаҳон суд эксперталари ассоциацияси (IAFS) шафелигида ўтказиладиган халқаро тадбирларда мунтазам иштирок этишини ташкил қилиш.

7. Суд-экспертиза муассасалари фаолиятига давлатлараро ва халқаро стандартларни жорий қилиш мақсадида техник қўмита ташкил қилиш, давлатлараро ҳамда халқаро техник қўмиталарга аъзо бўлиш ва улар фаолияти иштирокини таъминлаш.

## **7-§. Суд-экспертлик фаолиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**

1. Давлат суд-экспертиза муассасаларини ISO/IEC 17025 халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган бино ва иншоотлар билан таъминлаш.

2. Дастурий таъминотлар, реактивлар, реагентлар, сарфлаш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар ва жиҳозлар хариди бўйича йиллик дастурни амалга ошириш.

3. Давлат суд-экспертиза ташкилотларини ўрнатилган тартибда юқори тезликдаги Интернет тармоғига улашни таъминлаш.

4. Пуллик хизматларни кўпайтириш орқали суд эксперталарининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

5. Экспертиза тадқиқотларини сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказиш мақсадида кўчма лабораториялар билан жиҳозлаш.

6. Ер участкалари ажратиш орқали давлат-хусусий шериклик асосида давлат суд-экспертиза муассасалари ходимларининг уй-жой шароитларини яхшилаш.

## **5-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Концепциянинг амалга оширилиши қўйидаги натижаларга олиб келади: суд эксперталари мустақиллигини таъминлаш чоралари кўрилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг суд-экспертиза тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилади;

мамлакатда суд экспертизаси назарияси ва амалиётини ривожлантиришга эришилади;

давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари моддий-техника базаси

мустаҳкамланади, соҳага давлат-хусусий шериклик тамойиллари кенг татбик этилади;

суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишлари янада ривожланади, соҳа фаолиятига фан ва техника ютуқлари жорий этилади;

суд экспертиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими янада такомиллашади;

суд экспертизаси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилади ва халқаро нормаларга мувофиқлаштирилади;

суд-экспертлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожланади;

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузли рейтинг ва индексларда, жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индекси (The Rule of Law Index) ва Коррупцияни қабул қилиш индекси (The Corruption Perceptions Index)даги қўрсаткичлари са-марадорлиги ошади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 5 июлдаги  
ПФ-6256-сон Фармонига  
5-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрда-ги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5843-сон Фармонининг 8-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбоиси «давлат органлари ва ташкилотларининг» сўзларидан кейин «(Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва Давлат божхона кўмитаси ва уларнинг тизимидағи ташкилотлар бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПК-4125-сон карорида:

а) 2-бандда:

кўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суд-экспертиза соҳасида кадрларни тайёрлаш олий таълим муассасаларида дуал таълим принципига мувофиқ бакалавриат ёки магистратура босқичларида таълим олаётган даврда шартнома асосида тегишли экспертиза турлари бўйича камида олти ойлик экспертлар тайёрлаш курсларида амалга оширилиши мумкин»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**401 Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш  
муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида  
коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жа-  
моатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида\***

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчилchorалар кўрилмоқда.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, нотариат ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган тизимли choralariga қарамасдан, бюджет маблағларидан фойдаланиш, давлат харидлари, капитал қурилиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш, банк кредитларини ажратиш, ишга қабул қилиш каби йўналишларда коррупция холатлари сақланиб қолмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий холатларнинг барвакт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида:

1. Мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилсин.

Коррупция холатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгилансин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 июлда эълон қилинган.

Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этсин.

2. Кенг жамоатчиликнинг фикри ва таклифларини инобатга олиб, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида:

а) Агентлик томонидан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айборд деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» (кейинги ўринларда — Реестр) юритилиши таъминлансан;;

б) Реестрга киритилган шахсларга қўйидагилар тақиқлансан;

давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши; сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идораларо коллегиал органларнинг аъзоси бўлиш;

улар томонидан таъсис этилган ва (ёки) улар иштирокчisi ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиш, шунингдек, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш;

давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш.

3. Агентлик Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Реестрни ва у билан боғлиқ чекловларни амалиётга жорий этишга қаратилган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсан.

Белгилансинки, Реестрга мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган қонун кучга кирганидан сўнг коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар киритилади.

4. 2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация килиш тизими жорий этилсан.

Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ:

давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасдан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгилangan жавобгарликка тортишга асос бўлади;

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақмлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини саклаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизматига киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).

Агентлик Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат хизматига оид қонунчилик ҳужжатлари пакети, шунингдек декларациялаш тизимини жорий этиш механизмлари, декларация тақдим этиши лозим бўлган давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари тоифасини назарда тутувчи «Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилансинки, қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар манфаатлар тўқнашуви хисобланади ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вактида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Агентликка манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай холатлар аниқланганда, шартнома, бўйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга дъаво киритиш ваколати берилсин.

Адлия вазирлиги Агентлик, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Баш прокуратура билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар «Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек давлат харидлари, солиқ имтиёзлари, ер ажратиш, давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарликни ўрнатишни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Баш прокуратура Агентлик, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аник рўйхатини белгилаш;

коррупцияга оид жиноятлар учун белгилangan жазо чораларини узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;

даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараённада аниқланган нонуний бойлик ортирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш;

коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш.

7. Давлат харидларида рақобатли савдо турларини чекловчи тўғридан-тўғри шартномалар, инвестициявий, давлат-хусусий шериклик, хусусийлаштириш ва бошқа битимларни тузишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус билан чиқиш қатъиян тақиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси, Баш прокуратура ва Адлия вазирлиги икки

ої муддатда илғор хорижий тажриба асосида давлат молиявий назорат институтларини мақбуллаштириб, уларнинг самарали моделини жорий этиш ва ушбу соҳада парламент назоратини кенгайтириш бўйича таклиф киритсин.

9. Адлия вазирлиги Боз прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар:

барча инспекцияларнинг вазифа ва функциялари, ваколатлари, хуқуқ ва мажбуриятлари, ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш;

бошқа шаклдаги (қўмита, агентлик, хизмат) давлат бошқаруви органларининг назорат соҳасидаги функцияларини мақбуллаштиришни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишдаги коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш мақсадида Корақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари мунтазам равишда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари хисобидан ажратилган маблағлардан фойдаланилиши устидан назорат ўрнатсин.

Олий Мажлис палаталарига Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши билан биргаликда иккى ої муддатда маҳаллий бюджетлар хисобидан ташкил этилган вақтингчалик ва маҳсус жамғармалар маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тавсия этилсин.

11. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Агентлик давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вактида ва сифатли амалга оширилиши устидан мунтазам равишда назорат олиб борсин ва ҳар чорак яқунлари бўйича Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига ахборот киритиб борсин.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (Т. Нарбаева) давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳар чоракда танқидий муҳокама қилиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

13. Агентлик бир ої муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул этиб Боз прокурор Н.Т. Йўлдошев, Агентлик директори А.Э. Бурханов ва Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов белгилансан.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идора-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар фаолиятини мувофикалаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси Т.К. Нарбаева, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот берабир борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 июль,  
ПФ-6257-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 6 июлдаги  
ПФ-6257-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim  
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдағи «2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармонига 3-илованинг 4<sup>2</sup>-позициясида:

- а) «Асосий масъул орган» графасидаги «Бош прокуратура» сўзлари «Коррупцияга қарши курашиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) «Турдош давлат органлари» графасидаги «Адлия вазирлиги» сўзлари «Бош прокуратура, Адлия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» ПФ-5635-сон Фармонига 3-иловада:

- а) 2.1-позициянинг «Коррупция даражаси» индикаторида «Масъул давлат органлари» графасидаги «Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)» сўзлари «Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 5.2, 6 ва 17.6-позицияларнинг «Масъул давлат органлари» графасидаги «Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)» сўзлари «Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2021 й.

кистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5729-сон Фармонида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқсан ва Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши билан келишиб олсин»;

б) 5-банднинг «а» кичик бандида:

тўртинчи хатбошидаги «Идоралараро комиссия» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш)» сўзлари билан алмаштирилсан;

бешинчи хатбошидаги «Идоралараро комиссияга» сўзлари «Миллий кенгашга» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 8-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Миллий кенгаш (Т.К. Нарбаева):»;

г) 9-банддаги «Идоралараро комиссияга» сўзлари «Миллий кенгашга» сўзлари билан алмаштирилсан;

д) 2-илова ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан;

е) 3-илова қўйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсан:

«3<sup>1</sup>. А.Э. Бурханов — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сон Фармонида:

а) 1-илова қўйидаги мазмундаги 30<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсан:

«30<sup>1</sup>. А.Э. Бурханов — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори»;

б) 3-илова 3.6, 5 ва 11.2-позицияларининг «Масъул давлат органлари» графасидаги «Бош прокуратура (Н. Йўлдошев)» сўзлари «Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А. Бурханов)» сўзлари билан алмаштирилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2833-сон қарори 4-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдағи «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4464-сон қарорига 1-илованинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«А.Э. Бурханов — Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори, Комиссия раиси».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 6 июлдаги  
ПФ-6257-сон Фармонига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айrim хужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5111-сон Фармонига 1-илованинг 19-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПФ-5191-сон Фармонига илованинг 11-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5456-сон Фармонига 1-илованинг 46-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5547-сон Фармонига 1-илованинг 12-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ПФ-5769-сон Фармонига иловаваннинг «а» кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5870-сон Фармонига 1-илованинг 17-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5892-сон Фармонига 1-илованинг 33-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752-сон қарори.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**402 Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини ўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида\***

Давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш, Давлат бюджетининг даромадлар қисмини кўпайтириш, шунингдек туман (шаҳар) ҳокимликларининг хусусийлаштиришдан манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.

3. Белгилансинки:

мазкур Фармонга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг хужжатларига асосан хусусийлаштиришдан тушган, бошқа ташкилотларга йўналтирилиши белгиланган ва тақсимланмаган маблағлар республика бюджетига йўналтирилади, Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ихтиёрида қоладиган маблағлар бундан мустасно;

ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6167-сон Фармонида белгиланган хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлашга татбиқ этилмайди.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
ПФ-6258-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 يولда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 8 июлдаги  
ПФ-6258-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки обьектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4933-сон Фармони 1-бандида:

а) иккинчи хатбошидан «, шу жумладан давлат кўчмас мулк обьектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки обьектларини сотишдан тушадиган маблағлар тегишли равишда Корақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда обьект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда ўйналтирилади, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ўйналтириладиган маблағлар бундан мустасно;».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон Фармони 6-бандида:

а) «б» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг (ушбу банднинг «в» кичик банди бундан мустасно):

87 фоизи — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

10 фоизи — Жамғармага;

3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга ўйналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига ўйналтирилади);»;

б) қўйидаги мазмундаги «в» кичик банд билан тўлдирилсин:

«в) Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки обьектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг:

87 фоизи — тегишли равишда Корақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда;

10 фоизи — Жамғармага;

3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-кувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 августдаги «Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6053-сон Фармони З-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошисидаги «давлат мулки объектлари» сўzlари «давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон Фармонида:

а) 12-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат активларини «ноль» харид қийматида сотиши ва инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошлангич қийматда оммавий савдоларга чиқариш амалиёти бекор қилинади;»;

б) 13-банднинг биринчи хатбошидаги «2021 йил 1 июлга» сўzlари «2021 йил 1 декабрга» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 20-банднинг тўртинчи хатбошидаги «2021 йил 1 июнга» сўzlари «2021 йил 1 декабрга» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 марта ги «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПҚ-4249-сон қарорида:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 12-банддаги «Жамғарманинг» сўзи «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)нинг» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сон қарори 4-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4388-сон қарори 13-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4755-сон қарори 5-бандида:

«в» кичик банддаги «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми» сўzlари «50 фоизи» сўzlари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) туристик зоналар ҳудудида жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкий комплексларни сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон қарори 15-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансан.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 авгуstdаги «Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 661-сон қарори 5-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Белгилаб қўйилсинки, объектларни сотиб олиш тўловларини тўлашнинг максимал муддати тўловларни тенг улушлар билан ҳар чоракда тўлаган ҳолда 3 йилни ташкил қиласди.».

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 45-сон қарори 10-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда:

«а» кичик банддаги «73» раками «87» раками билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «24» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;  
 «в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) З фоизи — маблағларни мақсадли равишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни хуқуқий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки обьектларини сотишдан тушган маблағлар:

87 фоизи — тегишли равишда Корақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ҳамда обьект жойлашган туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига тенг улушларда;

10 фоизи — Жамғармага;

3 фоизи — маблағларни мақсадли равишда тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-кувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига йўналтирилади (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади).»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки обьектларининг ҳисобини юритиш ва уларни бошқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Чет элда жойлашган давлат мулки обьектларини сотишдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумат ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Агентлик томонидан умумий тартибда тақсимланади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шартшароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 433-сон қарорида:

а) 1-банднинг ўн олтинчи хатбоисидаги «маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми» сўзлари «маблағларнинг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 16-илованинг номланишидаги «маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми» сўзлари «маблағларнинг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги «Бўйстонлик туманидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган обьектлар ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, улар негизида туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 560-сон қарори З-банди еттинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«мазкур қарорга 1 ва З-иловаларга киритилган давлат мулки обьектларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи, шунингдек бўш турган ер майдонларига бўлган хуқуқни сотишдан тушадиган маблағлар (бахолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари) тўлиқлигича Тоғли ва олис худудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;».

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартағи «Навоийуран» давлат корхонаси, «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ва «Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 170-сон қарорига 1-илованинг изохи 5-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилаётган активлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонинг 12-бандига мувофиқ оммавий савдоларга чиқарилади».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 8 июлдаги  
ПФ-6258-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айrim ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1015-сонли қарорига 2-илованинг 4-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 июлдаги 540-Ф-сон фармойиши 2-бандининг учинчи хатбошиси ва 3-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**403 Республика олий таълим муассасаларига талабаликка  
қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-  
кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ёшларни ўз устида мунтазам ишлашга ундаш хамда билимли ёшларни янада қўллаб-кувватлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтихонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтихон, ёзма имтихон) энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти (кейинги ўринларда — Президент гранти) жорий қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтихонлари натижаларига кўра, таълим соҳалари кесимида, таълим олиш тилидан қатъи назар, республика бўйича энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафари Президент грантига даъвогар бўлади.

Бунда:

Президент гранти учун ажратилган квотанинг таълим соҳалари бўйича тақсимоти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади;

муайян таълим соҳаси учун ажратилган Президент гранти квотаси бўйича сўнгги ўриндаги абитетиент ва у билан бир хил балл тўплаган барча фуқаролар Президент грантига даъвогар бўлади;

б) қонунчилик хужжатларига мувофиқ олий таълим муассасасига ўқишга киришда қўшимча балл шаклида имтиёз бериладиган тоифадаги абитетиентларнинг кириш имтихонлари натижаларига кўра тўплаган балига қўшиб берилган баллар Президент грантига даъвогарларни аниқлашда ҳисобга олинмайди;

в) Президент грантига даъвогар бўлган абитетиентлар рўйхати ҳар йили кириш имтихонлари ва танлов тўлиқ якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади;

г) Президент грантига даъвогар бўлган абитетиентлар давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 июлда эълон қилинган.

д) Президент гранти совриндорлари биринчи курсда барча фанларни «аъло» баҳоларга ўқиган, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот йўналишларида ютуқларга эришган мазкур грантга даъвогар талабалар орасидан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Республика олий таълим кенгashi ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида аниқланади;

е) ўтказилган танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси тайинланади ва тўланади.

Бунда талабага:

Президент гранти учун белгиланган стипендия иккинчи курснинг ўқув ўили бошидан ойма-ой тўланади ва шу муносабат билан унга умумий шартларда белгиланадиган стипендия тайинланмайди;

ўқув семестри якунига кўра камидан битта фандан ўзлаштириш кўрсаткичи «аъло» баҳо бўлмаганда, Президент гранти сохибларига келгуси ўқув семестри мобайнида умумий тартибда белгиланадиган стипендия тайинланади ва тўланади;

навбатдаги ўқув семестри якунига кўра барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлганда, Президент гранти учун белгиланган стипендия кайта тайинланади ва тўлаб борилади;

ж) ўқиш якунига қадар Президент грантини узлуксиз олган талабалар бакалавриат таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз кўшимча давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинади.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Президент грантига даъвогар бўлганabituriyentlar рўйхатини ҳар йили кириш имтиҳонлари тўлиқ якунлангандан сўнг бир ҳафта муддатда таълим соҳалари бўйича олий таълим муассасалари ва бакалавриат таълим йўналишлари кесимида шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларирига ўқишига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига киритиб борсин.

4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар, жумладан кўйидагиларни назарда тутувчи Президент гранти совриндорларини танлов асосида аниқлаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) танловда иштирок этиш учун олий таълим муассасаси ректори (директори) томонидан биринчи курсда барча фанларни «аъло» баҳоларга ўқиган Президент грантига даъвогар талабага унинг ўқиш давридаги ютуқлари, жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти, ташабbusкорлиги, замонавий билим ва кўнилмаларни ўзлаштирганлиги, намунали хулқ-атворга, соҳаси бўйича зарур билимга ҳамда республикада олиб борилаётган ислоҳотларга ўз фуқаролик позициясини билдира олиш кўнилмаларига эга эканлиги каби шахсий фазилатлари бўйича тавсифнома бериш;

б) Президент грантига даъвогар талабаларга қўйидаги минимал талабларни қўйиш:

ўқиётган бакалавриат таълим йўналишига оид конференция (танлов)ларда иштирок этиш;

ўқиётган бакалавриат таълим йўналишига мос камида иккита илмий-тадқиқот иши (асар)ни эълон қилиш;

давлат тили билан бир қаторда камида битта хорижий тилни (МДҲ мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) ва Ўзбекистон тарихини билиш.

5. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конунчилик хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 июль,  
ПҚ-5172-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

## **404 Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармонига мувофиқ ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юкори ташкилотларда (кейинги ўринларда — давлат органла-

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 июлда эълон қилинган.

ри ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларида кадрлар билан ишлаш, хўжалик ишлари, молия-иқтисод бўлинмалари ва назорат функциясига эга тузилмалар раҳбарларини муайян муддатда ротация қилиш ҳамда суистеъмолчиликларнинг олдини олиш бўйича бошқа механизмларни жорий этиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар коррупцияга, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, давлат хизматчилари томонидан тадбиркорлик фаолиятида иштирок этганлигининг ҳукуқий оқибатларини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилсин.

Белгилансинки, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шартшароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланади.

4. Белгилансинки, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Агентлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин.

5. 2021 йил 1 августдан бошлаб давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очиқ эълон қилиш амалиёти жорий этилсин.

Молия вазирлиги Агентлик ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда акс эттирилиши лозим бўлган коррупцияга қарши шартларни ишлаб чиқсин ва тендер (танлаш) шаклида ўтказиладиган давлат харидларида ҳамкорлар (контрагентлар)ни текшириш тартибини белгиласин.

6. Агентлик 2021 йил 1 декабрдан бошлаб ҳар йил якуни бўйича барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳоки-

мияти органларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтингни эълон қилиш амалиётини жорий этсин.

7. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 декабрга қадар даромад ва мол-мулк декларациялари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, уларни қайта ишлаш ва текширишнинг электрон ахборот тизимини яратиш, шунингдек, 2022 йил давомида уни солиқ, божхона, давлат кадастри ва бошқа тегишли органлар маълумотлар базалари билан интеграция қилиш чораларини кўрсинг;

2022 йил 1 январга қадар мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси билан Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали интеграциялашган Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизимини ишга туширсин.

8. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хисоб палатаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Марказий банк билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар бенефициарлар реестрини юритиш амалиётини йўлга қўйиш бўйича таклифларни Вазирлар Махкамасига киритсан.

9. Курилиш соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий холатларнинг олдини олиш мақсадида:

а) Курилиш вазирлиги 2021 йил 1 октябрга қадар:

бюджет ва унга тенглаштирилган маблағлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан қурилиш-пудрат шартномаси учун ўтказиладиган тендер (танлаш)ни «Шаффоф курилиш» миллий ахборот тизимининг маълумот алмашинувини таъминлаган ҳолда давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталаида электрон тарзда ўтказиш амалиётини йўлга қўйсинг;

курилиш ва лойиха ташкилотлари рейтинги ҳамда тендер савдоларидаги баҳолаш мезонлари ва методикасини қайта кўриб чиқиб, уларнинг очиқлигини таъминласин ҳамда қурилиш ташкилотлари тоифалари ва нарх бўйича таклифни баҳолаш механизмини жорий қилсан;

электрон тендер тизимида маълумотларнинг ҳаққонийлигини автоматик равища текшириш ва баҳолаш механизмини ишга туширсан;

б) 2021 йил 1 декабрдан бошлаб харид комиссиясининг маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш ва иштирокчини харид қилиш тартиб-таомиларида иштирок этишдан четлатиш ваколатлари бекор қилинсан.

10. Транспорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда йўл қурилиши ва эксплуатацияси соҳасига шаффофлик стандартларини жорий қилиш мақсадида 2022 йил 1 январга қадар автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотларни ўз ичига оладиган «SHAFFOF YO'L» онлайн ахборот платформасини ишга туширсан.

Ушбу платформа доирасида автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш обьектларининг интерактив онлайн-харитаси ишлаб чиқилсин ҳамда унда кейинги йилда қуриладиган ва таъмирланадиган йўл участкаларини аниқлаш ва уларни харитага жойлаш ҳамда буни жамоатчиликка тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилсан.

Адлия вазирлиги Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда мазкур банднинг ижроси бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Агентлик, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси ва Бош прокуратура Академияси 2022 йил 1 январдан бошлаб «ҳалоллик вакцинаси» тамойтили асосида давлат хизматчиларини мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича маҳсус ўқув курсларда ўқитиш тизимини жорий этсин.

Ушбу тизим доирасида:

давлат хизматчиларини ўқитиш туман даражасида ҳудудий адлия бўлимларида, вилоят даражасида ҳудудий олий таълим муассасаларида, республика даражасида Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида амалга оширилсин;

маҳсус электрон ўқув платформаси ишга туширилиб, у орқали давлат хизматчиларини масофадан туриб ўқитиш ҳамда хусусий сектор вакиллари ва аҳолининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириш йўлга кўйилсин.

12. Агентлик бир ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул этиб Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев, Агентлик директори А.Э. Бурханов ва Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқластириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi раиси Т.К. Нарбаева, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот берабир борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 июль,  
ПҚ-5177-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**405 Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Худудларнинг табиий-икълим шароитларига мос жун йўналишларидаги майда шохли молларни кўпайтириш, озуқа базасини ривожлантириш, тери ва жунни қайта ишлаш, улардан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш, яйлов майдонларида табиий равишда ўсуви чаврак плантациялари захираларидан барқарор фойдаланиш, шунингдек, пиллачилик тармоғи озуқа базасини кўпайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар:

хар йили етишириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорида хонадонларда пилла етиширувчи жисмоний шахсларга республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилади;

тутзорларни сугориш учун фойдаланилган сув ҳажмига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади;

б) оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар жун йўналишидаги қўйларни, шунингдек, қўлда жун йигириш, ипак матолари, гилам ва кигиз тўқиши ускуналарини сотиб олишга ҳам йўналтирилади;

в) Қашқадарё вилоятининг Фузор ва Дехқонбод туманлари, Самарқанд вилоятининг Кўшработ тумани ҳамда Сурхондарё вилоятининг Қумкўргон ва Бойсун туманлари жун йўналишидаги майда шохли молларни етиширишга ихтисослаштирилади;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4539-сон қарори 9-бандида назарда тутилган молиялаштириш тартиби, истисно тариқасида, қўлда жун йигириувчи, гилам ва кигиз тўқувчи ҳамда қўй ва эчки териларидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хунармандларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4984-сон қарори билан Молия вазирлиги томонидан коракўлчилик соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 200 миллиард сўм маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсанки:

а) мазкур маблағларнинг 50 миллиард сўм қисми 1-босқич сифатида жун

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июлда эълон қилинган.

йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилган туманлардаги тадбиркорлик субъектлари томонидан лойихаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда кредит ажратишга йўналтирилади.

Бунда, ихтисослаштирилган туманларда мазкур маблағлар хисобидан:

республика иқлимига мос жун йўналишидаги майда шохли молларни импорт қилиш орқали уларнинг сони оширилади;

яйловларда озуқабоп экинларни етиштириш ҳажми ва ем ишлаб чиқариш қувватлари оширилади, жун қирқиш ва йиғиш шоҳобчалари ташкил этилади;

жунни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади ҳамда аҳоли жунни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишида хунармандчиликка ўргатилади;

б) 2-босқичда — 2022 йил 1 апрелга қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари хисобидан 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 1-босқич маблағларининг ишлатилиши натижаларига кўра тижорат банклари орқали белгиланган тартибда кредит ажратишга йўналтирилади.

### 3. Қуйидагилар:

Хунармандчилик асосида қўлда шойи матолар, шу жумладан, аъло баҳмал тўқиши ҳажмини ошириш ва тўқилган матоларни республикада кенг тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларда пиллачилик кластерлари томонидан тутзорларда ҳамда пахта ва фалла майдонлари атрофига тут кўчатларини экиш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда, 2-иловага мувофиқ экиладиган тут кўчатлари «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги пиллачилик кластерларининг маблағлари хисобидан экиласди.

### 4. 2021 — 2025 йилларда:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳар йили 30 миллион туп;

Кишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази хузуридаги Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳар йили 10 миллион туп тут кўчатлари етиштириб беришни таъминласин.

5. Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси, Республика «Қоракўлчилик» уюшмаси ва уюшма аъзоларининг:

Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасини Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда — Кўмита) деб қайта номлаш;

Республика «Қоракўлчилик» уюшмасини «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) деб қайта номлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

6. Белгилансинки, Қўмитанинг доимий эгалигидаги яйловлар худудида жисмоний ва юридик шахслар томонидан доривор ўсимликларни, шу жумладан, каврак ўсимлигини йиғиш, экиш ва етиштириш Қўмита билан тузил-

\* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган ижара шартномалари асосида ва унда белгиланган худудларда амалга оширилади.

7. Куидагиларга қўшимча вазифалар юклансин:

а) Кўмитага:

жунни қайта ишлаш саноатида рақобатни ривожлантириш, жун етишириш ва уни қайта ишлаш йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини кўллаб-кувватлаш;

жунни қайта ишлашга хунармандларни кенб жалб қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ва уларнинг даромадини оширишга кўмаклашиш;

хорижий инвестициялар, жумладан, халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш йўли билан соҳани ривожлантириш;

б) Уюшмага:

жун йўналишидаги майдо шохли молларни кўпайтириш, жун ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва уни чукур қайта ишлаш;

Кўмитанинг доимий эгалигидаги яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, яйлов ўсимликлари уруғчилигини йўлга кўйиш ва каврак плантацияларини ташкил этишга кўмаклашиш, шунингдек, табиий ҳолда ўсуви каврак ўсимликларидан самарали фойдаланишни йўлга кўйиш;

республика худудларининг табиий иқлим шароитларига мос келадиган озуқабоп ўсимликлар етиширишни ташкил этиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика худудларида кавракни саноат усулида етишириш хажмини кўпайтириш чораларини кўриш, маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт хажмини ошириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 январдан бошлаб:

коракўлчилик хўжаликларига улар томонидан етиширилиб, экспортга сотилган ҳар бир дона коракўл ва қоракўлча терилари учун;

етишириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун Давлат бюджети хисобидан ажратиладиган субсидия Кўмита томонидан берилади.

Молия вазирлиги 2022 йилдан бошлаб бюджет параметрларини шаклантиришда тегишли маблағларнинг Кўмитага ажратиб борилишини таъминласин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2022 йил 1 январга қадар Кўмита таклифида асосан қўй ва унинг гўшти ҳамда гўшт ва ипак маҳсулотларини экспорт қилишда импорт божларини бекор қилиш масаласини шундай импорт божлари мавжуд бўлган хорижий давлатлар билан ўтказиладиган хукуматлараро комиссия мажлисларининг кун тартибига киритсин.

10. Кўмита:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида, 2025 йилга қадар республиканинг бошқа худудларида кўл меҳнати учун ускуналар харид қилишга субсидия ажратиш тизимидан кенг

фойдаланган ҳолда, аъло баҳмал ишлаб чиқариш ҳажмини 1 миллион метрга етказиш чораларини кўрсин. Бунда, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик асосида Фарғона вилоятининг туманларида Ипакчилик-хунармандчилик марказларини ташкил этиш тажрибаси Наманган ва Андижон вилоятларида ҳам татбиқ этилиши таъминлансин;

Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халк таълими вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги билан биргаликда ҳалқаро тадбирларда иштирок этувчи ҳамда таълим муассасаларида, авиа ва темир йўллар тизимида хизмат кўрсатувчи аёллар кийимида, шунингдек, республиканинг диққатга сазовор жойларида миллий ипак матоларидан фойдаланиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қўмитанинг асосланган хисоб-китобларига мувофиқ, ҳар йили 1 октябрга қадар кейинги йил учун қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплашга бериладиган субсидиялар миқдорини шакллантирсин ва белгиланган тартибда ажратиб борилишини таъминласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

туманлarda замонавий пиллани қайta ишлашга ихтисослашган корхона фаoliyatiini йўлга қўйиш учун етарли бўлган озуқа базасининг яратилишини;

Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда ишсиз аҳоли рўйхатининг шакллантирилишини, улар пиллачилик кластерларига бириктирилишини ҳамда пилла етиштириб, даромад топиш бўйича тарифот ишларининг олиб борилишини таъминласин.

13. Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ ипак курти уруғчилиги, тутчилик ва чўл-яйлов озуқабоп экинлар селекцияси, етиштириш агротехникаси соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган тадқиқот лойиҳаларининг танлов асосида шакллантирилишини ва зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

14. Давлат божхона қўмитаси Қўмита билан биргаликда қўлда тўқилган гиламлар экспорти ҳажмини ошириш мақсадида хорижий давлатлардан Республика ҳудудига олиб кирилаётган тайёр ва ярим тайёр гиламларни «божхона ҳудудида қайta ишлаш» божхона режимида қайta ишлаб, экспорт қилишда тадбиркорлик субъектларига барча зарурий шароитларни яратсан.

15. Қўмита, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ва унинг таркибидаги корхоналарнинг 2022 йилда етиштириладиган пилла (тирик пилла) харид нархини 10 фоизга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

коракўлчилик хўжаликларига уларда етиштирилиб экспортга сотилган

хар бир дона қоракўл ва қоракўлча терилари ҳамда етиштириладиган пилла (тирик пилла) ҳосили учун субсидиялар ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонунчилик хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси раиси ҳамда Корагалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Баш вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
ПҚ-5178-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

### **406 Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясими тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони ҳамда «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишуви бўйича қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки:

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб қўшма таълим дастурларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказиш тартиби жорий этилади ва фақат ижобий экспертиза хulosасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга руҳсат берилади;

б) 2022 йил 1 январга қадар қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга ошираётган олий таълим ташкилотлари томонидан ушбу қўшма таълим дастурлари мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига экспертизадан ўтказилади. Бунда:

мазкур қарорнинг иловаси билан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотига қўйилган талаблар амалдаги қўшма таълим дастурларига нисбатан татбиқ этилмайди;

ижобий экспертиза хulosасига эга бўлмаган қўшма таълим дастурлари бўйича талабаларни ўқишга қабул қилиш тўхтатилади;

2022 йил 1 январга қадар ўқишга қабул қилинган ва қўшма таълим

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 июлда эълон қилинган.

дастурлари асосида таълим олаётган талабалар ўқишини ушбу дастурларда белгиланган тартибда давом эттирадилар;

в) қўшма таълим дастурлари асосида 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб ўқишига қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари ўтказилади;

иккинчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг буюртмаси асосида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган четтилидан кириш имтиҳони ўтказилади.

Бунда:

биринчи босқичда кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар иккинчи босқичда ўтказиладиган имтиҳонда иштирок этишга ҳақли;

иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар қўшма таълим дастури бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этади ҳамда қабул параметрларидан келиб чиқиб, ўқишига қабул қилинади;

қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тили бўйича бакалавриатда (специалитетда) камида В1 даражадаги, магистратура ва клиник ординатурда камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги ҳалқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар иккинчи босқичда чет тилидан ўтказиладиган имтиҳондан озод этилади ва уларга мазкур босқич учун максимал балл берилади;

г) қўшма таълим дастурларига оид зарур маълумотлар, қабул параметрлари ҳамда биринчи ва иккинчи босқичларда кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби қабул жараёни бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади;

д) қўшма таълим дастурлари асосида ўқишига қабул қилиш натижаларини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда белгиланади;

е) қўшма таълим дастурлари асосида олий таълим ташкилотларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти жойлашган давлатда тан олинидиган диплом ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг давлат намунасидаги дипломи тақдим этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштируннисин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 июль,  
421-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий  
таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида  
таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишувига (кейинги ўринларда — шартнома) мувофиқ жорий этилган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом:

хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади;

қўшма таълим дастурлари жорий этилмаган олий таълим ташкилотлари, нодавлат ва ҳарбий олий таълим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикасидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Қўшма таълим дастурлари — Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ кадрлар тайёрлашни ва битирувчиларига олий маълумот олганлиги тўғрисидаги барча хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари жойлашган давлатларда тан олинадиган квалификация (диплом) берилишини назарда тутувчи таълим дастури.

4. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ жорий этилган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишлари хисобланади:

республика иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни ҳалқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва илм-фаннынг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ҳамжамиятига интеграциясини кенгайтириш ҳисобига ривожлантириш;

кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

кўшма таълим дастурлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг амалиётини хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларда, улар жойлашган давлатларда ва бошқа мамлакатлардаги ташкилотларда ташкил этиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларининг салоҳиятини ошириш;

ҳамкорликда илмий конференциялар ва семинарлар ўтказиш, стажировкалар ташкил этиш ҳамда ҳалқаро илмий ва таълим лойиҳаларини амалга ошириш.

5. Кўшма таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлашда хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти сифатида куйидагилар жалб қилиниши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) мавжуд бўлган ёки кўшма таълим дастурлари асосида фаолият юритаётган хорижий таълим ташкилотлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган ҳалқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) амалдаги рейтингида олий таълим ташкилотлари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим ташкилотлари;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган олий таълим ташкилотлари;

Америка Кўшма Штатлари, Австралия, Истроил, Канада, Россия, Сингапур, Жанубий Корея, Япония давлатларининг ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган мазкур давлатларнинг олий таълим ташкилотлари;

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувоғиқ қўшма таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган таълим ташкилотлари.

6. Қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

7. Қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш бўйича томонлар ўртасида имзоланадиган шартномада қўйидагилар акс эттирилиши лозим:

шартноманинг мақсади ва предмети;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари жойлашган давлатларнинг миллий малакалар рамкаси хусусиятлари;

қўшма таълим дастури тўғрисида маълумот;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

кадрлар тайёрланадиган бакалавриат (специалитет) таълим йўналишлари (магистратура ёки клиник ординатура мутахассисликлари);

талабаларни ўқитиш тили, муддати, шакли ва жойи;

талабаларни ўқишга қабул қилиш ва ўқишдан четлатиш тартиби;

қўшма таълим дастурларини бошқариш тартиби;

ҳамкорликда ўқитишни ташкил этиш тартиби, талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллигини таъминлаш шартлари;

талабалар билимини баҳолаш тартиби;

таълим натижаларини (ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил этилганда — кредитларни) ўзаро тан олиш, кўчириш ва валидация қилиш тизими;

таълим сифатини таъминлаш тизими;

таълим якунида бериладиган диплом ва даража тўғрисида маълумот, диплом ва даража бериш тартиби, шунингдек дипломларнинг макетлари;

қўшма таълим дастурини молиялаштиришга оид масалалар;

таълим дастурига оид интеллектуал мулк ҳуқуқлари;

томонларнинг жавобгарлиги;

шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;

томонлар муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ва низоларни ҳал қилиш тартиби;

тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жойи.

Қўшма таълим дастурини ташкил этиш бўйича шартномада бошқа шартлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

Қўшма таълим дастурини ташкил этиш бўйича шартнома ва унга қўшимча келишувларнинг талабаларга ва таълим сифатини таъминлашга таалукли бўлган қисми олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида жойлаширилади.

8. Қўшма таълим дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ижобий экспертиза хulosасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга рухсат этилади.

Қўшма таълим дастурини экспертизадан ўтказиш белул амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти қўшма таълим дастурини экспертизадан ўтказиш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига ариза билан мурожаат қиласди.

Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш бўйича шартнома нусхаси;

хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти ўзи жойлашган давлатда ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилганлигини ва тан олингандигини (лицензия берилганлиги ва/ёки аккредитациядан ўтганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

қўшма таълим дастури мақсади, бакалавриат (специалитет) таълим ўйналишлари ва магистратура (клиник ординатура) мутахассисликлари, таълим давомийлиги, шакли ва жойи тўғрисидаги маълумотлар;

таълим дастурини ишлаб чиқишига асос бўлган миллий малакалар рамаси, профессионал стандартлар, таълим стандартлари, малака талаблари ёки унга tenglashshirilgan ҳужжатлар, ўкув режа ва фан дастурларининг тасдиқланган нусхалари (танлов фанлари бундан мустасно);

ўкув жараёнининг моддий-техник таъминоти, шу жумладан компьютерлар, ўкув лабораториялари, ўкув фанлари хоналари тўғрисида маълумотлар;

профессор-ўқитувчилар штатлари ва дарс берадиган фанлари тўғрисида маълумотлар;

ўкув ва илмий адабиётлар фонди тўғрисида маълумот;

талабаларни ўқишига қабул қилиш, ўқишини кўчириш, курсдан курсга ўтказиш, кредитларни тан олиш, академик жараённи ташкил этиш, таълим сифатини ички таъминлаш ва таълим натижаларини тан олиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг (тартиб, низом ёки йўриқномаларнинг) барча хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланган нусхалари;

барча хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари томонидан тасдиқланган таълим якунида бериладиган дипломлар макетлари нусхалари.

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъяян тақиқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг хаққонийлигига ариза берувчи масъул ҳисобланади.

Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ариза берувчининг ихтиёрига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти орқали электрон тарзда ҳам берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қўшма таълим дастурини экспертизадан ўтказиш бўйича аризани қабул қилганидан сўнг 15 иш кунида холоса беради.

11. Қўйидаги ҳолларда қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш рад этилади:

хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти ўзи жойлашган давлатда рўйхатдан ўтказилмаганда, ваколатли ташкилот томонидан тан олинмаганда ёки унга хорижда фаолият юритишига руҳсат берилмаганда;

хорижий хамкор олий таълим ташкилоти мазкур Низомнинг 5-банди талабларига жавоб бермаганда;

қўшма таълим дастурларининг ўқув режасида белгиланган мутахассислик ва ихтисослик фанларининг камидаги 25 фоизи хорижий хамкор олий таълим ташкилотлари томонидан ташкил этилмаганда;

қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш бўйича шартнома мазкур Низом талабларига жавоб бермаганда;

қўшма таълим дастурининг ўқув режаси ва фан дастурлари уни жорий қилган Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг профилига мос келмаганда;

қўшма таълим дастури асосида ташкил этилган таълим натижалари Ўзбекистон Миллий малакалар рамкасига мувофиқ бўлмаганда;

қўшма таълим дастури бўйича бериладиган академик даражада таълим дастурининг профилига мос келмаганда;

қўшма таълим дастури бўйича ўқиш муддатлари бакалавриат (специалитет) таълим йўналишлари бўйича уч йилдан, магистратура мутахассисликлари бўйича бир йилдан, клиник ординатура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлганда;

қўшма таълим дастурида кўзда тутилган кредитлар миқдори Европа кредит тизими бўйича бакалавриат (специалитет) таълим йўналишлари учун 180 ECTSдан, магистратура мутахассисликлари учун 60 ECTSдан, клиник ординатура мутахассисликлари учун 120 ECTSдан кам бўлганда;

қўшма таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнига жалб этилган асосий штатдаги илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши жами профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан 30 фоиздан кам бўлганда;

қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини амалга ошириш, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг сифатли таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотида зарур бино ва иншоатлар, жиҳоз ва моддий-техник базаси мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотида қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш ва келажакда янада ривожлантириш учун етарли ва барқарор молиявий ресурслар мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотида қўшма таълим дастури асосида таълим фаолиятини ташкил этиш учун етарли даражада маҳаллий ва хорижий (шу жумладан, қўшма таълим дастури ўқитиш тилидаги) дарслик ва адабиётлар мавжуд бўлмаганда;

қўшма таълим дастури битиравчиларига бериладиган олий маълумот тўғрисидаги квалификация (диплом) хорижий хамкор олий таълим ташкилотлари жойлашган давлатларда тан олинмаганда;

аризачи томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ таркибда тақдим этилмаганда;

аризачи томонидан тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

Қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни бошқа асослар

бўйича, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўшма таълим дастурларининг электрон реестри юритилади ва вазирликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

## **2-боб. Қўшма таълим дастурлари асосида ўқишига қабул қилиш**

12. Қўшма таълим дастурларига ўқишига қабул қилиш параметрлари, бакалавриат (специалитет) таълим йўналишлари ва магистратура (клиник ординатура) мутахассисликлари ҳамкор хорижий олий таълим ташкилоти, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан тасдиқланади.

13. Қўшма таълим дастурларига ўқишига қабул қилиш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган қабул қилиш тартибига мувофиқ кириш имтиҳонлари ўтказилади;

иккинчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг буюртмаси асосида Давлат тест маркази томонидан келишилган муддатларда қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан кириш имтиҳони ўтказилади. Бунда:

биринчи босқичда кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 30 фоизини тўплаган абитуриентлар иккинчи босқичда ўтказиладиган имтиҳонда иштирок этишига ҳақли;

иккинчи босқичда чет тили бўйича кириш имтиҳонларида тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг камида 40 фоизини тўплаган абитуриентлар қўшма таълим дастури бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этади ҳамда қабул параметрларидан келиб чиқиб, ўқишига қабул қилинади;

қўшма таълим дастурида ўқитиш олиб бориладиган чет тили бўйича бакалавриатда (специалитетда) камида В1 даражадаги, магистратура ва клиник ординатурада камида В2 даражадаги миллий ёки унга tenglashтирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган абитуриентлар иккинчи босқичда чет тилидан ўтказиладиган имтиҳондан озод этилади ва уларга мазкур босқич учун максимал балл берилади.

14. Қўшма таълим дастурларига оид зарур маълумотлар, қабул параметрлари ҳамда биринчи ва иккинчи босқичларда кириш имтиҳонларни ўтказиш тартиби қабул жараёни бошланишидан камида икки ой олдин тегишли олий таълим ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Қўшма таълим дастурларига хужжат топшириш онлайн шаклда амал-

га оширилади ва имтиҳон натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг кейинги куни Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг расмий вебсайтида эълон қилинади.

15. Қўшма таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш натижаларини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган холда белгиланади.

16. Қўшма таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

Қонунчилик хужжатларда белгиланган ҳолларда қўшма таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда, давлат гранти асосида ўқитиш факат Ўзбекистон Республикасидаги ўқиш даври учун қўлланилади.

Тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати ҳамда тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти томонидан тегишли бакалавриат (специалитет) таълим ўёналиши ёки магистратура (клиник ординатура) мутахассислигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзаро келишилган холда белгиланади.

### **3-боб. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш**

17. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқиш муддати бакалавриат (специалитет) таълим ўёналишларининг (магистратура ёки клиник ординатура мутахассисликларининг) хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган холда белгиланади.

Бунда:

қўшма таълим дастурлари бўйича ўқиш муддати бакалавриат (специалитет) таълим ўёналишларида уч йилдан, магистратура мутахассисликларида бир йилдан, клиник ординатура мутахассисликларида икки йилдан кам бўлмаслиги лозим;

қўшма таълим дастурида кўзда тутилган кредитлар миқдори Европа кредит тизими бўйича бакалавриат (специалитет) таълим ўёналишлари учун камида 180 ECTSни, магистратура мутахассисликлари учун камида 60 ECTSни ва клиник ординатура мутахассисликлари учун камида 120 ECTSни ташкил этиши керак.

18. Қўшма таълим дастурлари бўйича олий таълим ташкилотларида ўкув жараёнини ташкил этиш учун бакалавриат (специалитет) таълим ўёналишлари ва магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларининг ўкув режа ва фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилади.

19. Қўшма таълим дастурларининг ўкув режасида белгиланган мутахассислик ва ихтисослик фанларининг камида 25 фоизи хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари томонидан ўқитилади.

Бунда, талабаларнинг хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларида ўқиш муддати ва молиялаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

20. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнига жалб этилган асосий штатдаги илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши жами профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан 30 фоизни ташкил этиши лозим.

21. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқув жараёнига жалб этилган маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш микдорлари Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда белгиланади.

22. Қўшма таълим дастурлари асосида олий маълумотли кадрлар тайёрланадиган олий таълим ташкилотларида қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлими (келишувда назарда тутилган ҳолларда — қўшма факультет) ташкил этилиши мумкин. Бунда қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлими (қўшма факультет) штат жадвали факультетлар учун белгиланган нормативларга мувофиқ шакллантирилади.

Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлимини (қўшма факультетни) олий таълим ташкилоти факультетининг декани мақомига тенглаштирилган раҳбар бошқаради.

Бўлимни сақлаш билан боғлиқ харажатлар қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

23. Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлимининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

қўшма таълим дастури бўйича ўқув жараёни норматив-хуқуқий хужжатлар асосида ташкил этилишини таъминлаш;

қўшма таълим дастури доирасида истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган таълим хизматларини кўрсатиш ва халқаро таълим стандартларига мос келадиган таълим сифатини таъминлаш;

қўшма таълим дастури бўйича ўқув жараёнини ташкил этадиган норматив-методик таъминотни такомиллаштириш;

талабаларни ўқув режаларига мувофиқ хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларига ўқишига юбориш, ўқув жараёнига хорижлик профессор-ўқитувчиларни жалб этиш масалаларини мувофиқлаштириш ва бу бўйича хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

олий таълим ташкилотининг бошқа тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш ва ривожлантириш;

фан, таълим ва бозор муносабатлари талабларини ўрганган ҳолда қўшма таълим дастури бўйича таълим хизматларини кўрсатиш ва ўқитишнинг илфор технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига илфор таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш.

24. Қўшма таълим дастури асосида таҳсил олаётган талабалар билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

25. Кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар олий таълим ташкилотининг ўқув интизоми, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши мажбурий ҳисобланади.

26. Кўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотида зарур бино ва иншоотлар, жиҳоз ва моддий-техник базаси, маҳаллий ва хорижий (шу жумладан, кўшма таълим дастури ўқитиш тилидаги) дарслер ва адабиётлар мавжуд бўлиши лозим.

27. Кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган битирувчилар ҳақида ги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг маҳсус электрон тизимига киритилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти тизимига киритилган битирувчиларни давлат намунасидаги дипломлар билан таъминлаш учун Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илфор технологияларни татбиқ этиш маркази билан шартнома тузади.

Битирувчиларга бериладиган давлат намунасидаги дипломга қўшма таълим дастури номи ёзилади.

Давлат намунасидаги диплом ва диплом иловаси маҳсус электрон тизимига киритилган маълумотлар асосида чоп этилади.

Диплом иловасига ҳамкор олий таълим ташкилоти томонидан берилган диплом тартиб раками ҳам киритилади.

#### **4-боб. Кўшма таълим дастурлари бўйича таҳсил олаётган талабалар ўқишини кўчириш, ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш**

28. Кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини улар таълим олаётган олий таълим ташкилотининг бошқа таълим йўналишлари (мутахассисликлари) ёки бошқа Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим ташкилотига кўчиришга рухсат этилмайди.

Кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар ўқишини улар таълим олаётган олий таълим ташкилотининг ёки бошқа Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг кўшма таълим дастурларирига кўчириши мумкин.

29. Талабаларга академик таътил бериш ва курсдан-курсга қолдириш таълим жараёни олиб бораётган давлатдаги норматив-хукукий хужжатлар асосида тартибга солинади.

30. Куйидаги ҳолатларда кўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабалар олий таълим ташкилотидан четлаштирилиши мумкин:  
ўз ҳоҳишига биноан;

ўқув интизомини ва Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузгандиги учун;

бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортик қолдирганлиги сабабли;

ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун;

хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотида бориб ўқишдан бош тортган тақдирда;

олий таълим ташкилоти ва талаба ўртасида тузилган шартнома шартларига амал қилмаган тақдирда;

талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартиби бузганлиги аниқланганда. Ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди;

вафот этганлиги сабабли.

31. Қўшма таълим дастурлари бўйича таҳсил олиб, талабалар сафидан четлаштирилган талабалар ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти ректорлари (директори) қўшма буйруғи асосида амалга оширилади.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

32. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

зарур ҳолларда қўшма таълим дастурларининг таълим сифатини, таълим жараёни ташкил этилишини, педагог ходимларининг меҳнат фаолиятини, талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражасини (билими), ўкув жараёнини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича мониторинг ўтказади;

кўшма таълим дастурлари педагог ходимлари ва талабалари ўртасида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва сифатини аниқлашга оид аноним сўровлар ўтказади ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилган холда таълим сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

33. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мониторинг ўтказиш жараёнида қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилоти томонидан мазкур Низом талаблари бажарилмаётганинги аниқлагандан, ушбу олий таълим ташкилоти билан биргаликда унинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қиласди.

Мониторинг ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, олий таълим ташкилотининг мазкур Низом талабларига риоя қилмасдан ташкил этилган қўшма таълим дастурларига талабаларни ўқишига қабул қилиш тўхтатилади.

34. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**407 Халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни қўл-  
лаган ҳолда автотранспорт воситаларини кузатиб бо-  
риш тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчили-  
гини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати  
органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2020 йил 5 июнданги  
ПФ-6005-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, халқаро юк ташишларда  
электрон пломбаларни қўллаган ҳолда автотранспорт воситаларини кузатиб  
бориш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор**  
**қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Транспорт  
вазирлигининг 2021 йил 1 сентябрдан 2021 йил охирига қадар Халқаро юк  
ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда автотранспорт воситаларини  
кузатиб бориш тизими (кейинги ўринларда — масофавий кузатиб  
бориш тизими) бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғри-  
сидаги таклифига розилик берилсан.

2. Белгилансинки, масофавий кузатиб бориш тизими тажриба-синов  
ложиҳасини амалга ошириш даврида:

а) электрон пломбалар божхона назорати остидаги товарлар ортилган  
автотранспорт воситаларининг харакатини масофавий назорат қилиш мақ-  
садида уларнинг юк бўлимларига божхона хизмати органлари ходимлари  
томонидан жўнатувчи божхона постида қўйидаги ҳолларда ўрнатилади ва  
манзил божхона постида ечиб олинади;

Давлат божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизими томони-  
дан белгиланганда;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хорижий давлатлар божхона  
хизматлари ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан олдиндан  
олинган тезкор маълумотлар асосида;

божхона назоратининг техник воситаларини қўллаш якунлари бўйича  
амалдаги маълумотларнинг товарга илова қилинган хужжатларда кўрсатил-  
ган маълумотларга номувофиқлиги аникланганда;

юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи ёки ташувчининг талабига кўра;

б) божхона органлари томонидан электрон пломбалар ўрнатилган ав-  
тотранспорт воситаларига бир вактнинг ўзида бошқа турдаги маҳсус бож-  
хона пломбалари қўйилмайди, автотранспорт воситасига икки ёки ундан  
ортиқ пломбалар қўйилиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

в) божхона назорати остидаги товарлар ортилган автотранспорт воси-  
таларини электрон пломбалар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда  
кузатувни ташкил этиш учун Давлат божхона қўмитаси томонидан тайёр-

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июлда эълон  
қилинган.

ланган техник талаблар асосида манбаатдор ташкилотлар (миллий операторлар) жалб этилади;

г) электрон пломбалар тизими хизмат кўрсатувчи миллий операторлар томонидан беғараз асосларда фойдаланиш учун тақдим этилади;

д) электрон пломбалардан фойдаланганлик учун йигим ундирилмайди.

3. Халқаро юқ ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда автотранспорт воситаларини кузатиб бориш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги вактинча низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Масофавий кузатиб бориш тизими тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш даврида Халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (Женева, 1975 йил) доирасида ташилаётган юкларга нисбатан қўлланилмайди, хавфларни бошқариш тизими томонидан аниқлаган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар масофавий кузатиб бориш тизими тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш якунларидан келиб чиқиб, ижобий ва салбий оқибатларнинг, харажатлар ва даромадларнинг хуқуқий эксперимент жараёнида эришилган ижтимоий-иктисодий натижалар хақидаги маълумотлар билан асослантирилган прогнозни амалга оширсин ва мазкур йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш ёхуд норматив-хуқуқий хужжатни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

6. Ушбу қарор 2022 йилнинг 1 январига қадар амал қиласди.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
428-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 8 июлдаги 428-сон қарорига  
ИЛОВА

**Халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни  
қўллаган ҳолда автотранспорт воситаларини кузатиб  
бориш тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧА НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом автомобилда халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда транспорт воситаларини кузатиб бориш тартиби ни белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**ахборот тизимининг дастурий таъминоти** (кейинги ўринларда — дастурий таъминот) — транспорт воситаларининг жойлашуви, шунингдек, идентификация воситалари яхлитлигини назорат қиласидан GSM/GPRS ва GPS хизматлари ёки сунъий йўлдош тизимлари сигналлари ва маълумотларидан фойдаланган ҳолда ахборотларни қайта ишловчи дастурий таъминот;

**жўнатувчи божхона пости** — товарларнинг барча туркуми ёки унинг бир қисми учун ташув бошланадиган божхона пости;

кечиктириб бўлмайдиган тезкор тадбирлар — транспорт воситаларини қидириб топиш, товарларнинг бут ҳолатда манзил божхона постларига етказилишини таъминлаш юзасидан божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

**манзил божхона пости** — товарларнинг барча туркуми ёки унинг бир қисми учун ташув тугайдиган божхона пости;

**миллий оператор** — автомобилда халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда транспорт воситаларини кузатиб бориш учун божхона хизмати органларига электрон пломба ва дастурий таъминотни тақдим этадиган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахс;

**мобил илова** — фойдаланувчилар томонидан автотранспорт воситасининг ҳаракат йўналишини кузатиш имконини берувчи дастурий маҳсулот;

**электрон пломбалар** — автотранспорт воситасининг ҳаракат маршрути тўғрисида маълумотларни сақлаш ва тизимга узатиш, шунингдек, автотранспорт воситасининг юк бўлинмасига кириш имконини чекловчи ҳамда халқаро ташувларни амалга ошираётган автотранспорт воситасини онлайн кузатиб бориш имконини берувчи идентификациялаш воситаси.

3. Электрон пломбаларни ўрнатиш, ечиб олиш ва сақлаш тартиби ҳамда унга қўйиладиган техник талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат бож-

хона қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат божхона қўмитаси) томонидан белгиланади.

## **2-боб. Божхона органларида электрон пломбалардан фойдаланиш тартиби**

4. Электрон пломбалар Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган ёки транзит тартибида ҳаракатланаётган божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситалари юк бўйлимларига божхона хизмати органлари ходимлари томонидан жўнатувчи божхона постида ўрнатилади ва манзил божхона постида ечиб олинади.

5. Автотранспорт воситаларининг юк бўйлимларига ўрнатилган электрон пломба фаоллаштирилгандан сўнг Давлат божхона қўмитаси Контрабанда-га қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармасининг Ситуацион маркази (кейинги ўринларда — Ситуацион марказ) ҳамда Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармалари томонидан автотранспорт воситаларининг ҳаракатини масофавий назорат қилиш имконияти яратилади.

6. Товарлар ортилган автотранспорт воситаларининг юк бўйлимларига ўрнатилган электрон пломбаларни ушбу автотранспорт воситаларидан то-вар ёки буюмларни тушириш, шунингдек, автотранспорт воситаларига бош-қа товар ва буюмларни ортиш имкониятини истисно этиши лозим.

7. Товарлар ортилган автотранспорт воситаларини электрон пломба билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда доимий кузатувни ташкил этиш билан шуғулланувчи миллый оператор энг яхши таклифларни танлаш йўли билан Давлат божхона қўмитаси томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланган техник талабга асосан аниқланади.

8. Жўнатувчи божхона органи томонидан автотранспорт воситаларига электрон пломбалар қўйидаги ҳолларда ўрнатилади:

Давлат божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизими томонидан белгиланганда;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хорижий давлатлар божхона хизматлари ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан олдиндан олинган тезкор маълумотлар асосида;

божхона назоратининг техник воситаларини қўллаш якунлари бўйича амалдаги маълумотларнинг товарга илова қилинган хужжатларда кўрсатилган маълумотларга номувофиқлиги аниқланганда;

юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи ёки ташувчининг талабига кўра.

9. Қўйидаги ҳолларда автотранспорт воситаларига электрон пломбалар ўрнатилмайди:

товар ва транспорт воситалари божхона ҳамроҳлигига кузатиб борилганда;

тирик ҳайвонлар ташилаётганда;

товарлар «Автоматлаштирилган тарзда чиқариб юбориш» ахборот тизими орқали экспорт божхона режимига расмийлаштирилганда (кўшимча равища бошқа товарлар ортилган ҳолатлар бундан мустасно);

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ маҳсус божхона пломбалари қўйишининг имкони бўлмаган бошқа ҳолларда.

10. Божхона органлари томонидан электрон пломбалар ўрнатилган автотранспорт воситаларига бир вақтнинг ўзида бошқа турдаги маҳсус божхона пломбалари қўйилмайди. Автотранспорт воситасига икки ёки ундан ортиқ пломбалар қўйилиши лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

11. Автотранспорт воситалари ҳаракатланиш йўналиши ва давомийлиги уларга ўрнатилган электрон пломбалар асосида Ситуацион марказ ҳамда Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармалари томонидан маҳсус электрон дастур ёрдамида кузатиб борилади.

12. Қўйидаги ҳолларда автотранспорт воситаларини масофадан онлайн кузатиб бораётган божхона органи мансабдор шахси хабарига асосан божхона органлари кечиктириб бўлмайдиган тезкор тадбирлар амалга ошириши лозим:

электрон пломба ўттиз дақиқадан ортиқ вақт давомида маҳсус электрон дастурга маълумот жўнатмаслиги ҳолати аниқланганда;

автотранспорт воситаси жўнатувчи божхона пости томонидан белгиланган йўналишдан (республика аҳамиятидаги автомагистралдан) четга чиққанда;

электрон пломбаларга жисмоний шикаст етказилганда ва уни очишга уриниш ҳолатлари аниқланганда;

электрон пломбанинг аккумулятор куввати даражаси 10 фоизгача ёки ундан паст кўрсаткични кўрсататганлиги маълум бўлганда.

13. Ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, Ситуацион марказ ходими ҳолат кузатилган худудга энг яқин масофадаги худудий божхона органини бу ҳақда хабардор қиласди.

Хабар келиб тушган божхона органи автотранспорт воситасини қидириб топиш ва ҳолатга аниқлик киритиш чораларини қўради.

### **3-боб. Электрон пломбалардан фойдаланганлик учун йиғим ва электрон пломбалар таъминоти**

14. Электрон пломбалардан фойдаланганлик учун йиғим ушбу турдаги пломба ўрнатилган автотранспорт воситаси ҳаракатланган масофасидан келиб чиқкан ҳолда базавий хисоблаш миқдорига нисбатан хисоблаб чиқиласди.

Электрон пломбалардан фойдаланганлик учун йиғим миқдори ва унинг тақсимоти Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

Электрон пломбадан фойдаланганлик учун хисобланган йиғим жўнатувчи божхона постида божхона органлари томонидан ташувчидан ундириб олинади.

15. Божхона органларида электрон пломбалардан фойдаланишда Давлат божхона қўмитаси электрон пломбалар ҳамда улардан фойдаланиш бўйича дастурий таъминот ва техник воситалар билан миллий оператор томонидан таъминланади.

Бунда миллий оператор:

Давлат божхона қўмитаси кўрсатмасига асосан электрон пломбаларни божхона постлари ўртасида тақсимлайди ва уларнинг таъминотини амалга оширади;

электрон пломбалардан фойдаланган ҳолда товарларни ташиётган автотранспорт воситаларини кузатиб бориш бўйича мобил илова хизматларини кўрсатади;

электрон пломбалардан фойдаланиш жараёнида дастурий таъминотда юзага келган техник носозликларни ўз вақтида бартараф этади, яроқсиз ҳолга келган электрон пломбаларни янгисига алмаштиради ва ушбу йўналишда доимий техник хизмат кўрсатади;

дастурий таъминотнинг доимий ишчи ҳолатда бўлишини ва ахборот хавфсизлигини таъминлади;

дастурий таъминот ичидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик чораларини кўради.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

16. Электрон пломбалардан фойдаланган ҳолда товарларни ташишда ташувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида электрон пломбага етказилган зарар ташувчидан манзил божхона постида божхона органлари томонидан ундирилади.

17. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари автомобилда халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни кўллаган ҳолда транспорт воситаларини кузатиб бориш жараёнида божхона органи қароридан норози бўлган тақдирда, шунингдек, божхона органи мансабдор шахсининг ҳаракати (хараткасизлиги) бўйича белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**408 Божхона маъмуриятчилиги ва тартиб-таомилларини  
янада соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбир-  
лар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни божхона худудида қайта ишлаш режимидан фойдаланган ҳолда кўпайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш ва экспорт ҳажмини ошириш, хорижий давлатлардан маҳсулот сотиб олиб, импорт қилмасдан учинчи давлатга тўғридан-тўғри сотиш тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида божхона режими талабида хорижий буюртмачи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам қайта ишлаш операцияларига рухсат бериш механизмини жорий қилиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий хом ашё ва материалларни божхонада расмийлаштириш талабларини соддалаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан бошлаб:

божхона режими талабида хорижий буюртмачи мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам қайта ишлаш операцияларига рухсат берилсин;

тадбиркорлик субъектига четдан хом ашё сотиб олиб, уларни республика худудида божхона тўловлари тўламаган ҳолда қайта ишлагандан сўнг исталган хорижий ҳамкорига сотиш имконини берадиган олиб чиқиш, олиб кириш, сотиш ва сотиб олиш бўйича янги турдаги ташки савдо контрактлари амалиётга киритилсин;

маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларга хорижий давлатдан маҳсулот сотиб олиб, импорт қилмасдан учинчи давлатга тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилсин;

олиб кириш контрактини олиб чиқиш контракти билан, шунингдек, сотиб олиш контрактини сотиш контракти билан ўзаро боғлиқ ҳолда мониторинг қилиш тартиби жорий қилинсин;

олиб кириш контракти бўйича товарларни республикага олиб кириш ва божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона худу-

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июлда эълон қилинган.

дида қайта ишлаш божхона режимлариға расмийлаштириш, шунингдек, улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати ушбу контрактлар бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилсин;

олиб чиқиш контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар «реэкспорт» божхона режимига расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилсин;

сотиб олиш контракти бўйича тўланган маблағларни қайтариш ёки сотиши контракти бўйича маблағларнинг келиб тушиши сотиб олиш контракти бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ошмаслиги назарда тутилсин. Бунда сотиши контракти бўйича келиб тушган маблағларнинг миқдори сотиб олиш контракти бўйича тўланган маблағлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимиға ушбу карор талабларидан келиб чиқкан ҳолда ўзгартиришлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирунсан.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
429-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 8 июлдаги 429-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон  
қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари  
амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат  
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартериш ва қўшимчалар**

**1. 2-бандда:**

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«ташқи савдо контрактлари** — Низомнинг ушбу бандида келтирилган олиб чиқиш контракти, сотиб олиш контракти, олиб кириш контракти, сотиши контрактлари;»;

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«хўжалик юритувчи субъектлар** — Низомнинг ушбу бандида келтирилган контрактлар (инвойслар)ни тузган Ўзбекистон Республикасининг резидентлари»;

қўйидаги мазмундаги йигирма иккинчи — йигирма олтинчи хатбошилар қўшилсин:

**«реэкспорт қилувчилар** — юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар — олиб кириш контракти асосида сотиб олинган товарларни сотиши мақсадида реэкспорт божхона режимига жойлаштирадиган Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

**олиб чиқиш контракти** — олиб кириш контракти асосида сотиб олинган товарларни сотиши мақсадида реэкспорт божхона режимига жойлаштириш назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти ўртасидаги контракт;

**сотиши контракти** — сотиб олиш контракти доирасида сотиб олинган товарларни бошқа норезидентга сотиши назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти ўртасидаги контракт;

**олиб кириш контракти** — Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти ўртасида товарларни божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштириш учун сотиб олиш ва кейинчалик олиб чиқиш контракти асосида бошқа норезидентга сотиши назарда тутилган контракт;

**сотиб олиш контракти** — Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти ўртасида товарларни божхона ҳудудига олиб кирмаган ёки транзит тартибида олиб ўтган ҳолда сотиб олиш бўйича тузилган контракт».

**2. 4-бандда:**

«а» кичик бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ташқи савдо контрактини тузган томон — харидор билан ушбу контракт бўйича тўловни амалга оширувчи ёки товар (иш, хизмат) қабул қилиб

олувчи томон фарқ қилса, шунингдек, ташқи савдо контрактини тузган томон — сотувчи билан ушбу контракт бўйича товарни жўнатувчи (ишларни бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) томон фарқ қилса, контрактда улар алоҳида кўрсатилиши лозим»;

«е» кичик банддаги «хорижий валютада кўрсатилади» сўзлари «томонлар ўртасидаги келишувга асосан белгиланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

«л» кичик банд кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«л) Ташқи савдо контрактининг матни давлат тилида ёки томонларнинг келишувига кўра бошқа тилда баён қилиниши керак. Бунда, ташқи савдо контракти давлат тилидан бошқа тилда тузилган бўлса, ушбу контракт матни давлат тилига таржима қилиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак».

3. 6-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан:

бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматларнинг экспорт ва импорти бўйича маълумотлар далолатнома тузилган кундан бошлаб 1 кун ичидан;

сотиб олиш контрактлари ҳамда сотиш контрактлари доирасида товарлар қабул қилиб олинганигини ҳамда етказиб берилганигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар улар тузилган кундан бошлаб 1 кун ичидан ТСОЯЭАТга киритилиши лозим».

4. 11-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аванс тўловлар (олдиндан ҳак тўлаш) амалга оширилишида ёки аккредитив очишда».

5. 17-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда 5000 (беш минг) АҚШ долларигача бўлган товарлар электрон тижорат орқали божхона юк декларациясини расмийлаштирунган, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида ахборот киритмасдан, почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ реализация қилиниши мумкин».

6. 22, 23 ва 24-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари ва инвойслари мониторинги валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари томонидан ТСОЯЭАТ орқали амалга оширилади.

ТСОЯЭАТда олиб кириш контракти олиб чиқиш контракти билан, шунингдек, сотиб олиш контракти сотиш контракти билан ўзаро боғлиқ ҳолда мониторинг қилинади.

Бунда валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари ўртасида ТСОЯЭАТда шаклланган маълумотларни ўзаро талаб этиш тақиқланади.

23. Товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган

контрактлар бўйича ёки контрактлар Махсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда, шунингдек, асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда 180 кундан ортиқ белгиланганда — импорт контрактларида белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Олиб кириш контракти бўйича товарларни республикага олиб кириш ва божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона худудида қайта ишлаш божхона режимларига расмийлаштириш, шунингдек, улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати ушбу контрактлар бўйича тўлов амалга оширилган кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

24. Экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан — «экспорт» божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари оқибатида ташки савдо операциялари бўйича мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаганда, форс-мажор ҳолатлари юз берган давлатнинг ваколатли органи тасдифига мувофиқ, ушбу ҳолатларнинг амал қилиш муддати мобайнида мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлик учун жавобгарлик белгиланмайди.

Олиб чиқиш контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарлар реэкспорт божхона режимига расмийлаштирилган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак».

#### 7. Кўйидаги мазмундаги 24<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«24<sup>1</sup>. Сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағларини қайтариш ёки сотиш контракти бўйича пул маблағларининг келиб тушиши сотиб олиш контракти бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ошмаслиги керак. Бунда сотиш контракти бўйича келиб тушган пул маблағларининг миқдори сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағлари миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Ушбу муддатда қайтарилмаган ёки белгиланган миқдорда келиб тушмаган валюта маблағлари муддати ўтган дебитор қарздорлик сифатида қаралади».

#### 8. 27-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳирarda баён қилинсин:

«27. Ташки савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилиншини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24<sup>1</sup>-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин 30 банк иш куни (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк иш куни) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар».

#### 9. 28-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳирarda баён қилинсин:

«28. Ушбу Низомнинг 27-бандида келтирилган хўжалик юритувчи субъектларга давлат солик хизмати органи томонидан жарима қўллаш тўғрисида талабнома (кейинги ўринларда — талабнома) юборилади».

10. 29-банд қўйидаги таҳирда баён қилинсин:

«29. Ташқи савдо операцияларида хорижий шериклар томонидан олдиндан ўтказилган пул маблағлари бўйича товарларни экспорт божхона режимига расмийлаштириш (шу жумладан, олиб чиқиш контрактига мувофикар товарларни реэкспорт божхона режимига расмийлаштириш), ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш ёки Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар (шу жумладан, олиб кириш контрактига мувофикар божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштирилган товарлар), бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг тиҷорат банклари орқали пул маблағларини ўтказиш муддати 365 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Бунда ушбу муддат товарларни экспорт (шу жумладан, реэкспорт божхона режимига расмийлаштириш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш хорижий шериклар томонидан ўтказилган пул маблағлари экспорт қилувчиларнинг (шу жумладан, реэкспорт қилувчилар) хизмат кўрсатувчи тиҷорат банкларида қайд этилган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг тиҷорат банклари орқали пул маблағларини ўтказиш хорижий шериклар томонидан Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар эркин муомалага чиқариш (импорт) (шу жумладан, олиб кириш контрактига мувофикар божхона омбори, эркин омбор, эркин божхона зонаси, божхона ҳудудида қайта ишлаш) божхона режимига расмийлаштирилган, шунингдек, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар далолатномаси имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади».

11. 1-илованинг 3-бандига:

қўйидаги мазмундаги йигирма биринчи — йигирма тўртинчи хатбошилар қўшилсин:

- «16 — олиб кириш контракти;
- 17 — олиб чиқиш контракти;
- 18 — сотиб олиш контракти;
- 19 — сотиш контракти»;

йигирма биринчи хатбоши йигирма бешинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

13. 3-илованинг 1-бандига қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«сотиб олиш контрактлари бўйича товарлар норезидентдан қабул қилиб олинганлигини тасдиқловчи хужжатлар;

сотиш контрактлари бўйича товарлар норезидентга етказиб берилганини тасдиқловчи хужжатлар».

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**409** «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомотортранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомотортранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 30 ноябрдаги 758-сон ҳамда «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 9 марта ги 125-сон қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 июнь,  
213-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 7 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2021 йил 26 июнданги  
213-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-  
хуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазириning 2003 йил 2 майдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июн) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й, 12-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазириning 2013 йил 26 июнданги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1252-1, 2013 йил 28 июн) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й, 26-сон, 350-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазириning 2017 йил 22 деқабрдаги 282-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1252-2, 2018 йил 10 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й, 10/18/1252-2/0543-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазириning 2019 йил 8 апрелдаги 88-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1252-3, 2019 йил 20 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.05.2019 й, 10/19/1252-3/3150-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазириning 2019 йил 29 июнданги 209-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги бўйруқнинг 2.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1252-4, 2019 йил 13 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й, 10/19/1252-4/3545-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
 ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**410** Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартериш ва қўшимчалар кириши ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 24 июнданги 357-В ва 13-сон қарори (рўйхат рақами 3266, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й, 10/20/3266/1110-сон) билан тасдиқланган Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилисин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2021 йил 29 июнь,  
 357-В-1-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июлда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиб департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
32-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Баш прокуратураси ҳузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб  
департаментининг 2021 йил 29 июндаги  
357-В-1, 32-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар  
тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий  
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,  
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин  
қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб  
бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-бандда:

ўн саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички қоидалар тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими  
оператори ва тўлов ташкилотининг барча бўлинмаларига ҳамда чет элдаги  
шўъба, филиал, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмаларига ижро учун маж-  
бурийдир.».

ўн тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тўлов тизими оператори, электрон пуллар тизими оператори ва тўлов  
ташкилотининг чет давлатдаги шўъбаси, филиали, ваколатхоналари ва бош-  
қа бўлинмаларининг ички назорат қоидалари, уларни рўйхатга олаётган  
давлат қонунчилиги талаблари инобатга олинган ҳолда тасдиқланади.».

2. 19-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги иккинчи жумла  
 билан тўлдирилсин:

«Мазкур холларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича  
сўнгги жавобгарлик тўлов тизими операторлари, электрон пуллар тизимла-  
ри операторлари ва тўлов ташкилотларининг зиммасида қолади.».

3. 31-бандда:

қўйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлди-  
рилсин:

«Қабул қилувчи тўлов ташкилотлари қўйидагиларни аниқлаш мақсадида  
таваккалчиликка асосланган сиёsat ва тартиб-таомилга эга бўлишлари ло-  
зим:

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган электрон пул ўтказмасини қачон ижро қилиш ва рад этиш ёки тўхтатиши;

тегишли кейинги хатти-харакатларни (таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш, маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериш масаласини кўриб чиқиш ва бошқалар).»;

олтинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб хисоблансан;

«Жўнатувчи тўлов ташкилотларига, пул ўтказмаси юқорида кўрсатилган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмаларини амалга ошириш тақиқланади.».

4. Қуйидаги мазмундаги 31<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсан:

«31<sup>1</sup>. Пул ўтказилишида воситачи (транзит) сифатида иштирок этувчи тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари:

электрон тўловларга илова қилинадиган жўнатувчи ва олувчи ҳақидаги барча маълумотларни, жўнатув тўғрисидаги маълумотлар билан бирга юборилишини ва беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланишини таъминлашлари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмаларини аниқлаш бўйича асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўришлари;

таваккалчиликларни баҳолашга асосланган ҳолда олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда амалга ошириладиган чораларни белгиловчи дастурни ишлаб чиқишилари;

олувчиси ва (ёки) жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланганда, бундай ўтказмалар ҳақида маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериш масаласини кўриб чиқишилари;

техник чекловлар халқаро электрон ўтказма бўйича ички электрон пул ўтказмага боғланган жўнатувчи ва олувчи тўғрисидаги талаб қилинаётган маълумотнинг сақланишига тўскинлик қилган ҳолларда, жўнатувчи молиявий муассасадан ёки бошқа транзит молиявий муассасадан олинган барча маълумотлар бўйича ёзувларни беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақлашлари керак.».

5. 1-илованинг 6-банди қуйидаги таҳирда баён этилсан:

«6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
 ҲАЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**411 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартериш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳазуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳазуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартериш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2021 йил 29 июнь,  
 344-В-5-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июлда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиб департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
31-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб  
департаментининг 2021 йил 29 июндаги  
344-В-5 ва 31-сон қарорига  
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат  
қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 22<sup>1</sup>-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:  
«Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик нобанк кредит ташкилотларининг зиммасида қолади.».
2. 1-илованинг 6-банди қўйидаги таҳирда баён этилсин:  
«6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
 ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ  
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**412 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2021 йил 29 июнь,  
 343-В-7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июлда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиб департаменти бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
33-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб  
департаментининг 2021 йил 29 июндаги  
343-В-7, 33-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган  
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялашти-  
ришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат  
қоидаларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Қуйидаги мазмундаги 33<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«33<sup>1</sup> Транзит молиявий муассаса сифатида фаолият юритаётган тижорат банклари, техник чекловлар халқаро электрон ўтказма бўйича ички электрон пул ўтказмага боғланган жўнатувчи ва оловчи тўғрисидаги талаб қилинаётган маълумотнинг сақланишига тўсқинлик қилган ҳолларда, жўнатувчи молиявий муассасадан ёки бошқа транзит молиявий муассасадан олинган барча маълумотлар бўйича ёзувларни беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида саклашлари керак».

2. 38-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Қабул қилувчи тижорат банклари қуйидагиларни аниглаш мақсадида таваккалчиликка асосланган сиёsat ва тартиб-таомилга эга бўлишлари лозим:

оловчиси ёки жўнатувчиси ҳақидаги талаб қилинган маълумотларга эга бўлмаган электрон пул ўтказмасини қачон ижро қилиш ва рад этиш ёки тўхтатишни;

тегишли кейинги хатти-харакатларни (таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш, маҳсус ваколатли давлат органига хабар бериш масаласини кўриб чиқиш ва бошқалар).»;

тўққизинчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жўнатувчи тижорат банкларига, пул ўтказмаси мазкур бандда белгиланган талабларга жавоб бермаса, пул ўтказмалари бўйича, шу жумладан,

халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали хизматларни кўрсатиш тақиқланади.».

3. 89-банди қуидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Мазкур маълумотлар ва хужжатлар ваколатли давлат органлари ва  
Марказий банкка ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган шаклда  
қофоз кўринишида ва (ёки) электрон ташувчи воситаларда сақланиши ло-  
зим.».

4. 1-илованинг 6-банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:  
«6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.».

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 26 июн-даги 213-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавф-сизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2021 йил 7 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-5.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 29 июндаги 357-B-1, 32-сон «Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3266-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 29 июндаги 344-B-5 ва 31-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидаларига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-5.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг 2021 йил 29 июндаги 343-B-7, 33-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тар-

қатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалариға қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-7.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2003 йил 2 майдаги 137-сон «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1252-1, 2013 йил 28 июнь), (рўйхат рақами 1252-2, 2018 йил 10 январь), (рўйхат рақами 1252-3, 2019 йил 20 май), (рўйхат рақами 1252-4, 2019 йил 13 август).

*2021 йил 7 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мусосабати билан давлат реестридан чиқарилди.**